

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN


Xabar

2008 I-VI
kerem

Tuguz

1
(798)-son
4-yanvar
www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Бу йил бизнинг йилимиз!

ЮРТБОШИМИЗ 2008 йилни ЁШЛАР йили ДЕБ АТАШНИ ТАКЛИФ ҚИЛГАНЛАРИДА, ТЎҒРИСИ, ҚАЛБИМ ҒУРУРГА ТЎЛДИ. АЙНИҚСА, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “ФАРЗАНДЛАРИМИЗ, ЁШЛАРИМИЗ БИЗНИНГ НАФАҚАТ ИШОНЧИМИЗ ВА КЕЛЖАГИМИЗ, ЁШЛАРИМИЗ БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР”, ДЕГАН СЎЗЛАРИ ҲАЯЖОНИМИ ЯНАДА ОШИРДИ. НЕГАКИ, МЕН ҲАМ ЮРТБОШИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧ БИЛДИРГАН ЁШЛАРНИНГ БИРИМАН.

5-БЕТ

Ушбу сонда:

Соҳада хизмат кўрсатиш, сервис ва маркетинг

2-БЕТ

Ахборотларни тўлиқ ёритгани учун

3-БЕТ

Веб-сайт орқали даромад топишнинг беш усули

4-БЕТ

0 проекте национальной операционной системы

6-БЕТ

2,3 триллион sms = 60,2 миллиард доллар

11-БЕТ

Жазо (Саргузашт-детектив)

13-БЕТ

Энг кучлилар эълон қилинди

15-БЕТ




Кенг қамровли
суғурта хизматлари

тел: (4998 71) 173-80-05, факс: (4998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ 28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулугбек Абдулаломов бошқарган ушбу мажлис кун тартибида битта масала — 2007 йил 23 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари кўриб чиқилди.

Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 14, 35-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислам Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан Ислам Абдуганиевич Каримов номига табрик хатлари келмоқда. Жумладан, Япония Бош вазири Ясуо Фукуда, Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев, Кувайт Давлати Амири Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти, профессор, доктор Иаждундин Аҳмад, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, Россия сиреторлар иттифоқи президенти, Россия Фанлар академияси академиги В.А.Садовничий ва бошқа кўпга давлат ҳамда жамоат арбоблари номидан самимий кутловлар келди.

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

✓ Матбуотда "Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазири, Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари этиб тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

✓ Наманганда Президент Ислам Каримовнинг тақлифига биноан барпо этилган Тинчлик майдонининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Умумий майдони қарийб уч гектарни ташкил этадиган ушбу майдон марказида тинчлик, бахт-саодат ва халқимизнинг фаровонликка интилишини акс эттирувчи ўзига хос ҳайкалтарошлик композицияси ўрнатилган.

✓ "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг 2007 йилдаги фаолияти якунлари анжуман-онлайн тартибда ўтказилди.

Анжуманда интернетдан фойдаланувчилар, жамғарма мухлислари, унинг ҳориждаги ҳамкорларидан икки соат ичида бир минг беш юзга яқин савол тушди ва уларнинг барчасига жавоб берилди.

HAY'AT YIG'ILISHIDA

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ЭНГ ОХИРГИ ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ АГЕНТЛИК БОШ ДИРЕКТОРИ, ҲАЙЪАТ РАИСИ А.АРИПОВ БОШҚАРДИ.

Соҳада хизмат кўрсатиш,

Йиғилишда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда соҳа корхона ва ташкилотларида маркетинг йўналиши дастурларининг бажарилиши масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Агентликнинг маркетинг ташкил этиш ва қимматли қоғозлар бўлими бош мутахассиси М.Азимов маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганича, мамлакатимизда сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Бунда, албатта, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Республикаимизда 2006 йилнинг 9 ойида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 38,9 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келган бўлса, 2007 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 40,5 фоизга өтди. Жумладан, 2007 йилнинг 9 ой якунлари бўйича олинган маълумотларга кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси томонидан кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 151,8 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан қишлоқ жойларида телекоммуникация операторлари ускуналарига асосланган ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизмат кўрсатиладиган ахборот-сервис инфратузилмасини яратиш тўғрисидаги Агентликнинг таклифи маъқулланди ҳамда қишлоқ жойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар учун олиннадиган давлат божлари ҳажми 10 баробардан 80 баробаргача қисқартирилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Агентлик томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг 2006 йил фаолиятлари якунларини инобатга олган ҳолда 2007-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Янги қўшимча хизмат турларини ривожлантириш ва татбиқ этиш мақсадида рақамлаштириш даражаси 82,3 фоизга етказилиб режа 100,4 фоизга бажарилиши, рақамли телефон аппаратлари зичлиги 100 фўқаро ҳисобига 5,87тани ташкил этиши, бу ўз ўрнида режанинг 100 фоизга бажарилиши, стационар телефон аппаратлар сони 1865,5 минг донани (режага нисбатан 102,2 фоиз) ташкил этиши, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлар режаси 100,1 фоизга бажарилиши, яъни бу 267,3 млн. тани ташкил этиши кутилмоқда.

Республиканинг тоғли ҳамда узок



сервис ва маркетинг

жойлашган ҳудудларида телерадиотарқатиш қамровини ошириш борасида телевизион таътичларнинг қамрови 2007 йил якуни ҳолатига республика бўйича (ЎзТВ1-канал) 100 фоизни ташкил этмоқда.

Янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш натижасида почта алоқаси хизматла-

Электрон пул жўнатмалари тизимига 106та почта алоқаси объекти уланган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг 281та алоқа бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларини янги турларини кўрсатиш учун компютерлаштирилди, улардан 143таси "Ўзбектелеком" АК филиалларининг биллинг тизимига онлайн тартибда уланди.

ри номенклатурасини кенгайтириш борасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда электрон почта, интернет тармоғига уланishi, электрон пул жўнатмалари хизматларини кўрсатишни яратиш берувчи корпоратив тармоқ фаолият кўрсатмоқда.

Электрон пул жўнатмалари тизимига 106та почта алоқаси объекти уланган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг 281та алоқа бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларини янги турларини кўрсатиш учун компютерлаштирилди, улардан 143таси "Ўзбектелеком" АК филиалларининг биллинг тизимига онлайн тартибда уланди.

Агентлик тизимидagi корхона ва ташкилотларда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат алмашуви тизими жорий этилмоқда.

Республикаимизнинг қишлоқ ҳудудларида маслаҳат-ахборот ва телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ахборот-сервис инфратузилмасини яратиш борасида 2007-2008 йиллар учун режа-жадваллари ишлаб чиқилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ҳамда Агентлик томонидан келишиб, тасдиқланди.

Ҳозирги кўнда жойларда ташкил этилган ва рўйхатдан ўтган кичик корхоналар сони 266тага өтиб, 642та иш ўрни яратилди.

Маркетингнинг ривожлантириш мақсадида Агентлик, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан 2006 йил 6 октябрда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетингнинг ривожлантириш ҳолати ва тенденциялари" мавзусида республика семинари ўтказилди. Ушбу семинар таклифларидан келиб чиқиб, 2006 йил 15

ноябрда Агентликнинг "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетинг йўналишини ривожлантириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ асосида Агентлик тизимидagi тегишли

корхона ва ташкилотлар томонидан 2007-2008 йилларга мўлжалланган маркетинг дастурлари ишлаб чиқилди ва ҳозирда ушбу дастурлар асосида ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, "Ўзбектелеком" АКда 2006 йилда компания микёсида қўшимча хизмат турларидан (КХТ) олинган даромад 749,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йил якунида мазкур кўрсаткич 1,5 млрд.сўмдан ортик маблагни ташкил этиши кутилмоқда.

2006 йилда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ микёсида ҚХТдан олинган даромад 10,4 млрд.сўмни, шу жумладан, АКТ воситалари орқали ташкил этилган қўшимча хизматлар орқали даромад 53,1 млн. сўмдан иборат бўлган бўлса, 2007 йил якунида мазкур кўрсаткич 11,4 млрд. сўмни, шу жумладан АКТ воситалари орқали 103,8 млн.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

2006 йилда Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази бўйича ҚХТдан олинган даромад 1,9 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йил якунида мазкур кўрсаткич 2,0 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

"UzInfoCom" марказининг 2006 йилдаги Бизнес-режасида "Маркетинг ва савдо рекламаси харажатлари" банди 147,0 фўиз (14,7 млн. сўм)га бажарилган бўлиб, 2007 йил якунига келиб Бизнес-режанинг мазкур банди 107,7 фўиз (23,7 млн.сўм)га бажарилиши кутилмоқда. Ҳозирги кўнда Марказ томонидан ZIyoNET интернет-карталари тайёрланиб, сотувага чиқарилди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларида мувофиқ бир қанча маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб келинмоқда. Агентлик ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан 2007 йилнинг 23 ноябр куни "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетингнинг ривожлантириш ҳолати ва тенденциялари" мавзусида республика семинари ўтказилди. Семинар қатнашчилари томонидан якуний ҳулоса ва бир қатор тегишли тавсиялар берилди. Семинар тавсиялари тегишли корхона ва ташкилотларга ишда қўлш учун юборилди.

Кўраларида "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Республика Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази бош директори М.А.тамухамедовлар сўзга чиқиди.

Ҳайъатда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ахборотларни тўлиқ ёритгани учун

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ энг яхши компаниялар қаторидан ўрин олди

Тошкентдаги “Dedeman Silk Road” меҳмонхонасида Ўзбекистон фонд бозорида 2007 йил якуни бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган корхоналарга мукофотларни топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат мўлки қўмитаси қошидаги Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Инвестиция институтларининг миллий ассоциацияси (ИИМА) томонидан ташкил этилди. Унда ИИМА, вазирлик ва ташкилотлар, Ўзбекистондаги тижорат банклари, дипломатик корпуслар, халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий компаниялар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Инвестиция институтларининг миллий ассоциацияси билан бирга 1000та компания ва банклардан танлов асосида энг яхшилардан яхшиси танлаб олинди. Мукофотлаш 10та йўналиш бўйича олиб борилди.

2007 йил натижалари бўйича “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ “Ахборотларни энг яхши ёритган акциядорлик жамияти” йўналишида ғолиб деб топилди, диплом ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланди.



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ матбуот хизмати

XUSHXABAR

Юртимизда иқтидорли талабалар кўп. Улар оламга машҳур улуг ва буюк боболаримизнинг номига муносиб равишда ўқиб-ўрган-моқдалар, ақлу тафаккури билан кўзга кўринарли ютуқларни кўлга киритмоқдалар.

Парвозинг баланд бўлсин, Умиджон!



Ана шундай талабалардан бир гуруди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-2008 ўқув йили Давлат стипендиясини олишдек бахтга сазовор бўлганлиги ҳақидаги хушxabар матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Улар ичида Тошкент ахборот технологиялари университети 4-босқич талабаси Умид Нийёзов ҳам бор.

Умид Нийёзов республика ва университет миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда мунтазам қатнашиб келади. У университетда ўтказилган Фан олимпиадаларида физика ва математика фанлари йўналишида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Инглиз, рус, тожик тилларини чуккур билади.

Умид Нийёзовнинг буютида университет педагогик жамоасининг ҳам муносиб хўсаси бор, албатта.

Биз иқтидорли талабани кўлга киритган муваффақияти билан муборакбод этамиз ва парвозинг янада баланд бўлсин, Умиджон, деймиз.

Хайрли ишлар

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ” ВА “ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ” ОАЖ ҚОРАҚАЛПОҚ ФИЛИАЛАРИ ТУМАН АЛОҚА БОҒЛАМА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИДА ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Жумладан, Хўжайли почта алоқаси тармоғи, Оқманғит телекоммуникациялар боғламаси раҳбарлари саъй-ҳаракати билан боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган ходимларга бир бошдан қорамол берилганлиги мактовга лойиқдир.

Туманлардаги алоқа корхоналарига борганимда шунга амин бўлдимки, барча алоқа ва телекоммуникациялар боғламаларида Наврўз, Касб байрами, Мустақиллик бағишланган тадбирларда нафақадаги алоқачилар қадри мөҳмон сифатида иштирок этдилар.

Қораўзак почта алоқаси тармоғида қарийб қирқ йил меҳнат қилган, “Ўз касбининг устаси” нишондори, ҳозирда нафақада бўлган Болтабой ота Едилов шундай деди:

— Нафақага чиққанамга анча бўлса-да, ҳамкасбларим мени унуттишмабди. Жамоа мени илқ кутиб олиб, совға-саломлар билан кўнглимни тоғдай кўтарди. Умрларидан барака топишсин.

“Қорақалпоқ Телеком” филиалида ўтган йилнинг ўн ойида етти нафар ходимнинг ҳар бирига 94000 сўм болалар нафақаси, вафот этган 17 ходимнинг оилаларига 144000 сўмдан, нафақадаги 9 кишига 21100 сўмдан, 18 нафар кам таъминланган ёш болани оилага 45000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий химоя йилидаги эзгу ишлар Ёшлар йилида ҳам давом этади.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ



ЎТГАН ДАВР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ АНЪНАЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГАНДА, 2007 ЙИЛ ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ (ФТМТМ) УЧУН ЖУДА СЕРМАЗМУН ВА БАРАКАЛИ ЙИЛЛАРДАН БЎЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИДИР.

Тадқиқотлар кўлами кенгайяди

Ушбу йилда марказ ташкил этилганлигининг 15 йиллигини муносиб нишонлади, турли тадбирлар ўтказилди, шонли санага бағишлаб китоб чиқарилди, музей очилди.

Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш ФТМТМ зиммасидаги асосий вазифалар сирасига киради. Илмий тадқиқотлар ривожланиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг кўлами йилдан-йилга ошиб бораётир. Жумладан, 2007 йили марказда умумий қиймати 450 миллион сўмликдан ортиқ 11та илмий-тадқиқот устида иш олиб борилди, 44та норматив ҳужжат ишлаб чиқилди.

Ўтган йили марказ даромадлари 2006 йилдагига қараганда 12 фоизга ўсди, кўрсатиладиган хизмат турлари, миқозлар сонни кўпайди, янги бўлимлар очилди. Ахборот-коммуникация технологиялари, фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари соҳасида стандартлар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш бўйича аҳамиятта молик ишлар амалга оширилди. Иш ҳақи даражаси 27 фоизга ўсди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қарори билан “Алоқа ахборот-

номаси” бюллетени базасида ЎзААнинг ойлик расмий нашри — “Алоқинформ” журнали чоп этила бошланди. Агентлик ва марказ муассаслигида чиқарилган “Инфокоммуникация: Сети. Технологии. Решения” илмий-техник журнали Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинди.

ФТМТМ ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхона ва ташкилотлари мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида малака ошириш маркази ташкил этилди.

Марказ раҳбар ва ходимлари учун чет тиллари курслари очилди.

2008 йилда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази куйидаги вазифаларни амалга оширишни режалаштирган:

- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш;
- илмий-таълим муассасаларининг долзарб мавзулардаги тадқиқотлари бўйича илмий асосланган ва истиқболли тақлифлар тайёрлаш;
- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш муаммоларини таҳлил қилиш, аниқланган муаммолар юзасидан таҳлилий хулоса ва тақлифлар тайёрлаш;
- давлат ва ҳўжалик бошқаруви, давлат

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

БОЛАЛАРНИНГ БАЙРАМ БАЗМИ

“ЎИ-Термиз” филиалида Янги йил байрамига бағишланган анъанавий тадбир ўтказилди. Одатдагидек, унинг иштирокчилари турли ёшдаги болалар бўлишди.

Филиал ходимларининг фарзандлари чиройли безалган арча атрофида ўйнаб-яйрашди. Байрам базмига Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри санъаткорлари ташриф буюрган ёшда қоларли воқеа бўлди. Уларнинг ўзбек халқ эرتаклари асосида театрлаштирилган томошалари болаларда эзгулик ва яхшиликка ҳавас, ёвузлик ва ёмонликка нафрат уйғотди.

Шунингдек, Қорбобо топишмоқлари болаларнинг эҳзли ва топқирликлари синови бўлди. Филиал бошқаруви ҳамда бошланғич касабга уюшмаси ташкилоти томонидан келтирилган янги йил совғалари Қорқиз орқали ўз эгаларига топширилди.

Безалган арча атрофидаги байрам базми иштирокчиларининг барчасида катта таассурот қолдирди.

МАҚСАДЛИ МАРАФОН

Ўтган 2007 йилда Сурхондарё вилоятидаги 85та мактаб кутубхонаси Осие таракийёт банки кредит лойиҳаси асосида тўлиқ замонавийлаштирилди. Виллоят халқ таълими бошқармаси бевосита виллоят ахборот-ресурс маркази билан бирга мактаб бу маънавият масканларига малакали кадрларни жалб этди. Улар иштирокида ўқув-тренинг машғулоти ўтказилди. Мактаб кутубхоналари ва ахборот-ресурс марказларида ўқувчиларга кўрсатилаётган хизматларни янада такомиллаштириш тадбирининг асосий моҳиятини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси борасидаги бу каби амалий ишлар 2008 йилда ҳам давом этади. Январ ойидан эътиборан, “Мактаб, сила, кутубхона ва жамоат ташкилотлари” мавзусидаги марафони йўлга қўйилади. Марафоннинг мақсади — мактаб кутубхоналарини янги китоблар билан бойитишдан иборат.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хаваб”нинг Сурхондарё
вилоятидаги муҳбири

ҳокимияти органларига жойларда ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланиш ҳавфсизлиги ва ишончлилигини ўрганиш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан услубий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш;

- давлат органлари ахборот тизимлари ва компютер тармоқларининг ахборот ҳавфсизлиги аттестацияси, ҳўжалик субъектлари ва бошқаларнинг ахборот тизимлари ва компютер тармоқлари аудитини амалга оширишга тайёрлаш.

Шунингдек, ФТМТМ томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, илмий салоҳиятни кўтартиш, телекоммуникациялар, ахборот технологиялари ва хизматлари, телекоммуникация тармоқларини бошқариш, тармоқлараро қўшилмалар, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш, сифат менежменти тизимлари, маркетинг тадқиқотлари ва тариф сиёсати, ахборот ҳавфсизлиги, радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение, дастурий маҳсулотлар ва бошқа кўплаб йўналишлардаги тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилда марказ фаолиятида ёш ва сарғайрат мутахассисларнинг ролинни кучайтириш, уларни етуқ кадрлар сифатида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, қўшимча рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофазалаш асосий эътиборда бўлади.

М.МАХМУДОВ,
Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори



XALQARO HAYOT

ЯНГИ НЕФТ СИЁСАТИ ЗАРУР

Венесуэла президенти Уго Чавес Кубада ўтган нефт экспорт қилувчи давлатлар иттифоқи – Петрокаррибе саммитини очар экан, янги нефт сиёсати ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлади.

Унинг фикрича, янги тўлов сиёсати учун Венесуэла ва Куба ўртасида амал қилаётган модел яхши намуна бўлиши мумкин. Айни пайтда Венесуэла Кубага ҳар куни 100 минг баррел нефт етказиб

беради. Бунинг эвазига кубалик шифокор ва ўқитувчилар Венесуэла фуқароларига хизмат кўрсатишади.

Лотин Америкаси давлатларини бирлаштирган Петрокаррибе нефт иттифоқи 2005 йили Венесуэла ташаббуси билан ташкил этилган. Катта "қора олтин" захирасига эга бўлган мамлакат айни пайтда Петрокаррибенинг 17 давлатига имтиёзли тартибда нефт етказиб берапти. Ушбу ташкилотга аъзо давлатлар Венесуэладан олинган нефт учун 25 йил муддат ичида бир фоизлик устама тўлов орқали ҳақ тўлашлари мумкин.

УЙ-МУЗЕЙ ҚАЙТА ТИКЛанаДИ

АҚШ президенти Жорж Бушнинг болалиги ўтган эски уй номаълум жиноятчилар томонидан ёқиб юборилган.

Техас штатининг Одесса шаҳрида жойлашган ва бир қисми Президент музейига айлантирилган ушбу бино ойналари, кириш ошқилари ва болаҳона ёнғиндан жиддий шикастланган. Ёнғинга алоқадор шахслар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Жорж Буш ота-онаси билан ўтган асрнинг 40-йилларида яшаган мазкур уй 2004 йилда реставрация қилинган эди. Президент музейи маъмури Летти Ингланд уй-музейи албатта қайта тикланишини билдирди.

СУИҚАСД СИРЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Покистон ҳукумати собиқ бош вазир, мухолифатнинг машҳур етакчиси Беназир Бхуттонинг ўлими текширувлари жараёни ҳақида маълумот берди.

Покистон оммавий ахборот воситалари мамлакат ички ишлар вазирлигининг расмий вакили Жавад Иқбол Чим манбасига таянган ҳолда текширувчилар қотиллик юзасидан керакли далил ва гувоҳлар кўрсатмасига эга бўлганлиги тўғрисида хабар тарқатган. Шунингдек, Чим ҳукумат ҳеч нарсани яширмаслигини, текширувлар ошқора олиб борилишини маълум қилган. "Барча натижалар ва текширув яқунлари жамоатчиликка тақдим қилинади", дея ваъда берди у.

Бундан ташқари, расмий вакил ҳукумат сиёсий арбоблар, мухолифат раҳбарлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар қабул қилишини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз: Покистоннинг собиқ бош вазири, мухолифат кучлар етакчиси Беназир Бхутто 2007 йилнинг 26 декабрида Равалпинди шаҳрида ўтаётган митингга террорчи томонидан ўлдирилди.

ЭНГ ЙИРИК ШАРТНОМА

Philips Electronics Американинг тиббиёт ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Resprionics компаниясини сотиб олишни режалаштиряпти.

Компания бунинг учун 3,6 миллиард евро тўлашга тайёрлигини билдирган. Мазкур савдо Philips тарихидаги энг йирик шартнома деб баҳоланмоқда. Нидерландияда жойлашган компания сўнгги йилларда тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Resprionicsнинг сотиб олиниши бу йўлдаги иккинчи қадамдир. Бунга қадар Philips 430 миллион доллар эвазига Visicu компаниясини ҳам сотиб олган эди. Philips ҳозирда тиббиёт ускуналар ишлаб чиқариш бўйича Европада учинчи ўринда турибди.



RESPRIONICS

ИНТЕРНЕТДА ЎЗ ВЕБ-САҲИФАСИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАР БИР КИШИ, АЛБАТТА, УНДАН БИРОР ФойДА КўРИШНИ ИСТАЙДИ. АЙНИҚСА, ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИГА ЭНДИГИНА ҚАДАМ ҚўЙГАН КИШИНИ "ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎЗ ШАХСИЙ ВЕБ-САЙТИМ ОРҚАЛИ ЯХШИРОҚ ДАРОМАД ТОПСАМ БЎЛАДИ?" ДЕГАН САВОЛ ҲАР ДОИМ ҚИЗИҚТИРИШИ ТАБИИЙ. Хўш, ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?



Электрон тижорат оламида янги пайдо бўлган кишини тезроқ фойда кўриш масаласи қизиқтиради. "Сайтга ахборотларни қай тарзда жойлаштириш керак? У сайтга ташриф буюрувчилар учун қизиқарли бўладими?" каби асосий масалалар эса иккинчи даражага тушиб қолади. Аслида, веб-сайт орқали даромад топишнинг асосий шарти – уни ахборий жиҳатдан тўғри тўлдиришдир.

Дейлик, интернетда маълум соҳага бағишланган, ахборий жиҳатдан яхши таъминланган веб-сайтнинг мавжуд. Лекин у сизга деярли фойда келтирмайпти. Энди сизнинг олдинда ушбу зарурий масала кўндаланг бўлиб қолади: "Қандай қилиб веб-сайт орқали яхшироқ даромад олиш мумкин?"

Интернетда веб-сайт орқали даромад топишнинг асосий усулларини кўриб чиқамиз.

1-усул. Сайт орқали ўз маҳсулотларини сотиш.

Кўп ҳолларда интернетдаги ҳар бир лойиҳа қандайдир маҳсулотларни сотиш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадига ўз атрофида мақсадли аудитори яни тўплаш учун яратилади. Тижорий лойиҳа саҳифалари орқали сотиладиган маҳсулотлар ҳам реал, ҳам электрон шаклда бўлиши мумкин. Масалан, сизнинг музлаткичларга бағишланган веб-сайтингиз бор. Унга сиз музлаткич ишлаб чиқарувчи фирмалар, уларнинг ўзига хослиги, музлаткич ва совутиш технологиялари ва бошқалар ҳақидаги ахборотларни жойлаштиридингиз. Ушбу мавзудаги зарурий ахборотларни тўғри тақдим этган ҳолда, сайт ташриф буюрувчисига хонадон ёки офис учун мўлжалланган музлаткичнинг қайсидаир моделини сотиб олишни таклиф қилишингиз мумкин. Шундай қилиб, фойдаланувчи учун керакли ахборотни тақдим этиш орқали ўз маҳсулотларингизни самаралироқ сотишга эришасиз.

Ушбу мақолада веб-сайт орқали даромад топишнинг фақат асосий усулларигина келтириб ўтилди. Агар сиз улардан унумли фойдалана олсангиз, домий ва анчагина юқори даромадга эга бўласиз. Шундай экан, сайтингизнинг максимал даражада ишлашини таъминланг, токи у сизга фақат даромад келтирсин!

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз маҳсулотларингиздан ташқари, сайт саҳифаларида қандайдир хизматларни ҳам таклиф қилиш мумкин. Масалан, ҳуқуқшунос ўз мутахассислиги бўйича (жиноят кодексини, фуқаролик ҳуқуқи, ҳуқуқий мажбуриятлар каби) ахборотларни шахсий веб-сайтига жойлаштириб, адвокат сифатида ўз хизматларини таклиф қилиши мумкин.

2-усул. Ҳамкорлик маҳсулотларини сотиш.

Маълум мавзу йўналиши ва мақсадли аудиторияга эга бўлган ҳолда, веб-лоийҳа эгаси сайт саҳифалари орқали ҳамкорлик дастури доирасида бошқа ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини сотишда қатнашиши мумкин. Бунда у ўзининг ҳамкорлик ишора (ссылка)си орқали амалга оширилган ҳар бир реклама қилинаётган товар сотувидан маълум фоиз миқдоридан даромад олади.

Масалан, совутигичларга бағишланган сайт, асосий маҳсулот билан бир қаторда, бошқа ҳамкорларнинг сайт мавзусига яқин маҳсулотлари – музлаткич эҳтиёт қисмлари, ҳар хил ошқора жиҳозларини таклиф қилиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, интернетда хилма-хил ҳамкорлик дастурлари, шунингдек, Partnerka.ru, Top.uz каби ҳамкорлик дастурларига бағишланган махсус сайтлар ҳам мавжуд.

3-усул. Реклама ўринларини сотиш.

Агарда, веб-сайтингизнинг фойдаланувчилари сони салмоқли миқдорни ташкил этса, ўз веб-саҳифаларингизда бошқа интернет-ҳамкорларнинг маҳсулот ва хизматларини реклама қилиш учун ажратилган реклама ўринларини сотиш орқали қўшимча даромад олишингиз мумкин. Реклама ўринларини махсус реклама баннерлари, матн блоклари, тижорий (PR) мақола каби ҳар-хил кўринишларда сотиш мумкин.

Масалан, музлаткичларга бағишланган сайт ўз саҳифаларида бирор музлаткичнинг қулайлик ва афзаллик тарафларини ёритган тижорий мақолаларни жойлаштириши мумкин. Бу билан у ҳам ўз саҳифаларини зарур ахборот билан тўлдиради, ҳам буюртмачининг PR-мақоласини жойлаштиргани учун даромад олади.

4-усул. Бош саҳифадан ишораларни сотиш.

Агар сизнинг сайтингиз интернетдаги оммавий ресурслардан бири бўлса, унинг бош саҳифасида бошқа сайтларга бўлган ишораларни жойлаштиришингиз ва бунинг учун улардан маълум тўловларни қабул қилишингиз мумкин. Бу ҳамма учун фойдали: сиз маълум маблағни қўлга киритасиз, ишора эгаси эса ўз сайтига тўғридан-тўғри ташриф буюрувчилар оқимига эга бўлади.

5-усул. Контекст рекламани сотиш.

Интернетда кенг фойдаланувчилар аудиториясини ўзига тўплаган веб-ресурсга эга бўлган ҳолда, интернетдаги реклама тармоқларидан бирига боғланиш имконияти мавжуд. Яъни, уларнинг махсус кодини ўз сайтингизга жойлаштириб, контекст рекламани намойиш қилишни бошлашингиз мумкин. Агар сайтингизга ташриф буюрувчи ушбу реклама блокида жойлашган ишора бўйича реклама берувчининг сайтига ташриф буюрса, ҳар бир ташриф учун сизнинг реклама тармоғидаги хисобингизга маълум миқдорда пул ёзилади.

Айни пайтда интернетда кўйидаги реклама тармоқлари кенг тарқалган:

1. Yandex.ru кидирув тизимининг реклама тармоғи – Яндекс Директ (<http://www.direct.yandex.ru>).
2. Google.com кидирув тизимининг реклама тармоғи – Adwords Google (<http://www.adwords.google.com>).
3. "Бегун" компаниясининг реклама тармоғи (<http://begun.ru>).

Интернетнинг Ўзбекистон сегментига эса Реклам.uz (<http://reklama.uz>) баннер рекламалар тармоғи мавжуд.

Шарофиддин РАҲИМОВ,
журналист

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Бу йил бизнинг йилимиз!

Кувончим бир жаҳон

Тошкент ахборот технологиялари университети битириб, Миробод телефон боғламасига қарашли 54, 55-АТСада электромонтёр бўлиб иш бошладим. Ишга келган биринчи куним ҳеч эсимдан чикмайди. Ўқиш бошқа, иш бошқа деганларидек, гарчи ўқиш даврида танишган бўлсамда, мустақил равишда техника олдига келиш одамда кўрқув ва ҳаяжон уйғотар экан. Шунда ҳамкасбларим менга далда беришди, билмаганларимни ўргатишди. Тўғрироғи, танлаган касбимга бўлган меҳр барча қийинчиликларни енгиб ўтишимга сабаб бўлди. Ахир, ҳали ўқувчилик давримдаёқ одамлар узогини яқин, мушкулни осон қиладиган соҳа — алоқачиликни танлаган эдим-да.



Уша ҳаяжонли дақиқаларнинг бўлиб ўтганига ҳам беш йил бўлибди. Ҳозир 257-258-АТСада муҳандисман. Ўтган йиллар мени ҳар томонлама чиниктирди.

Минг шукри, кексалари қадрланадиган, ёшларга гамхўрлиги эътибор юқори бўлган юртининг фарзандиман. Мамлакатимизда ҳар бир йил ўз номи билан аталиб, бу йиллар аҳолининг кам таъминотли қатламини ҳимоялаш борасида бир-бирини тўлдириб, бажарилаётган эзгу амаллар салмоғи кўпайиб борапти. Ишга келганимдан бери телефон билан боғлиқ юзлаб муаммоларнинг ҳал этилишида, минглаб одамларнинг телефон хизматидан имтиёзли фойдаланишларида оз бўлсада ҳиссам борлиги билан фахрланаман.

Юртбошимиз 2008 йилни Ёшлар йили деб аташни тақлиф қилганларида, тўғриси қалбим гурурга тўлди. Айниқса, Президентимизнинг "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", деган сўзлари ҳаяжонимни янада оширди. Негакки, мен ҳам Юртбошимиз, халқимиз ишонч билдирган ёшларнинг бириман.

Демак, бугуннинг ёшлари давлатимиз раҳбарининг, бутун халқимизнинг ишончини оқлайдиган даражада ўқиб, билим олмоғи, меҳнат қилмоғи шарт. Бу биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратилган. Ишонманки, 2008 йилда ёшларга бўлган гамхўрлик янада ортади.

Абдуваҳоб ЭГАМБЕРДИЕВ
Тошкент шаҳри

Эзгулик кўп бўлсин

Республикамиз истиқлолга эришганига ҳам 16 йил бўлди. Ўтган йиллар мобайнида ҳаётимиз фақат яхши томонга ўзгармоқда, десам муболага бўлмайди. Бундан 15 йил олдин пойтахтга келиб кетган одам азим шахримизнинг ҳозирги қиёфасини кўриб, ҳайратга тушиши табиий. Жаҳон андозаларига мослаб қурилган қатер бинолар, равон йўллару замонавий кўприклар кўзни қувватлади.

Айниқса, 2007 йил мен учун эсда қоларли бўлди. Шу йили ўғлим Дониёржонни Ватан ҳимоясига жўнатдим. Қалбимдаги кувончу ҳис-ҳаяжонимни фарзандини эл қаторига қўшиб, юртни кўриқлашга юборган, аскар кийимидаги ўғлонининг алп қоматидан дили яйраган оналар яхши тушунишади. Ишқилиб, ўғлим ва у каби барча ёшлар бахтига юртимиз осмонни ҳаммиша тинч ва мусоффо бўлсин.

Қириб келган 2008 йилдан ҳам умидим катта. Бу йил қизим Севара мактабни тугатади. Мақсади молия коллежига ўқишга кириш. Келажақда иқтисодчи бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Соҳада 22 йилдан бери ишлаётганим тўфайли матбуот ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб қолган. Янги йилда газета ва журналларимиз адади кўпайиб, одамлар маънавиятга бой бўлишини истайман.

Энг муҳими, қалбларимизни эзгулик тарқатмасин!

Гулчехра ҲАЙДАРОВА,
"Матбуот тарқатувчи" АК бош мутахассиси



Улкан куч

Яқинда "Энг яхши почта хизматчиси" кўриқ-танловининг вилоят босқичида голибликни қўлга киритганимда, менга тақдим этилган қимматбахо совға — "Пентиум-4" компютери касб машаққатларини енгиб ўтишдаги сабру тоқатим учун берилган катта муқофотдек татиди. Эотан, энг зўр роҳат ҳам ана шунда, яъни чеккан захматларинг, билим ва тажрибангнинг эътирофи этилишида, кадр топишида. Одамлар кўзи ўнгиди ҳалол баҳсларда почтачи сифатида қандайлигини очик-ошкора намойиш эта олганга нима етсин!

2007 йил чиройли якун топганини, хизматлар сони кўпайиб бораётганини таъкидлашни истардим. Ҳа, аҳолига қанчадан-қанча қулайликлар яратаётганимиздан, дуолар олаётганимиздан беҳад мамнунимиз. Шуниси кувончилики, янги йил ҳам бир олам яхшиликлар билан кириб келди. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилгани биз ёшларни гоятда севинтириб юборди. Юртбошимиз бизларни бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, дедилар. Демак, шах-

сан мен ҳам ана шу улкан КУЧнинг бир заррасиман ва мен ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ишончини ўз меҳнатларим, интилишларим билан оқлашим зарур. Шу мақсадда бутун билим ва тажрибамни зим-мамдаги вазифарларни аъло даражада адо этишга қаратаман.

Фурсатдан фойдаланиб, менга почта иши ва одамлар билан муомала маданиятини ўргатган Муродил Махмудов, Юсуфжон Холматов, Расулжон Қамбаров, Назира Қобуловаларга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Уларни ва юртимиздаги барча алоқачиларни янги йил билан самимий табриклайман. 2008 йил янги-янги эзгуликлар келтирсин. Соҳамиз обрў-нуфузи янада ошсин!

Ихтиёржон БЕГМАТОВ,
Дангара туманидаги Қияли кўрғонча почта алоқаси бўлими бошлиғи

"Хабар" дилкаш суҳбатдошимиз



Хурматли таҳририят ходимлари!

Мен "Хабар" газетасини кўп йиллардан буён ўқиб келаман ва обун бўламан. Газетанинг ўқишлилиги, ўқувчига, айниқса, алоқа ходимларига маънавий озуқа бериш билан бирга, уларга яқиндан ёрдам берадиган, янгиликлардан хабардор қиладиган бўлиши учун қанча машаққатли, масъулиятли меҳнат қилинишни яхши биламиз. Газетамиз алоқачилар томонидан дилкаш суҳбатдош сифатида қабул қилинаётгани ҳам сир эмас. 2008 йилда газета ҳар бир алоқачининг севимли нашри бўлишини истоқ ўзимнинг куйидаги фикр-мулоҳазаларимни ёзганман.

Мен прчта алоқаси ходимиман. Баъзида "Хабар"да почта тўғрисида мақолалар жуда кам, деб қолишади. Мен улар истаги инобатга олиншини ҳамда газетада "Савол беринг, жавоб берамиз" руҳида хизмат кўрсатиш муаммолари, меъёрий ҳужжатлар ва почта қондаларига айрим кўрсатмаларнинг турлича талқин қилиниши бўйича саволларга агентлик мутахассислари жавоб беришларини истар эдим. Бу биз учун услубий кўрсатма бўлар эди. "Тўғри ишла, тўғри сўзла, тўғри хизмат қил" руҳи остида ҳуқуқий маслаҳатхона бўлса-ю, унда ҳуқуқшунослар мақолаларидан ташқари, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, ҳадислар ёритилса. Бундан ташқари, ёзувчимиз Тоҳир Малик, шоиримиз Турсунои Содикованинг ибратли чиқишларига ҳамма интизор бўлиб туради.

Бизни яна республика алоқачиларининг ишларидан энг намуналилари, хизмат сифатини ошириш, турларини кўпайтириш йўлларидидаги изланишлар қизиқтиради.


Сизларни янги — 2008 йил билан чин юракдан муборакбод этиб, оилавий бахт-саодат, бахти бекамлик тилаймиз.

Ҳошимжон ТОШМАТОВ
Фаргона вилояти

Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

О проекте национальной операционной системы

Проект «Локализация свободного и открытого программного обеспечения» запущен весной 2007 года по инициативе Узбекского агентства связи и информатизации и Центра подготовки и поддержки молодых программистов.



Цель проекта – разработка и локализация национального дистрибутива операционной системы на основе свободного и открытого программного обеспечения (СОПО), в том числе операционная система и пакет прикладных программ. Задачей первого этапа стало создание дистрибутива операционной системы для применения в образовательном процессе.

В рамках данного проекта создана лаборатория Линукс, которая проводит исследование технологий СОПО, создание, компиляцию и отладку ядра и основных пакетов сервисных и прикладных программ, создание репозитория для хранения исходных кодов, дистрибутивов, проектных, справочных и образовательных материалов. Масштаб отдельного проекта достиг процесс локализации. Для создания русско-англо-узбекского толкового словаря терминов операционных систем совместно с Центром

научно-технических и маркетинговых исследований был запущен проект «EnRuUz Glossary».

На сегодняшний день завершён первый этап проекта. Завершающей частью данного этапа стало создание инсталлятора – программы, с помощью которой возможна установка дистрибутива с носителя на компьютер. Таким образом, результатом первого этапа является образ компакт-диска с операционной системой DOPPIXBase. Образ компакт-диска имеет размер 202 Мб и является загрузочным. На образе находится инсталлер (установщик) системы DOPPIXBase. После установки мы получаем базовую многопользовательскую, многозадачную операционную систему (ОС) с минимальным набором программ, необходимых для работы. Этот набор включает в себя программы для работы с файлами и каталогами (создание, копиро-

вание, удаление), простой текстовый редактор (VIM), средства для диагностики сетевого подключения, загрузчик ОС. Данная ОС служит достаточной базой для того, чтобы, установив дополнительные пакеты, превратиться в полноценную современную ОС.

Вторым и третьим этапом станет создание графического интерфейса для ОС на базе графического сервера XORG и графической среды KDE, а также добавление пакетов прикладных программ более широкого применения. Основные задачи по доработке созданного базового дистрибутива и его дальнейшему развитию, помимо разработки, связаны с тестированием и адаптацией прикладного ПО и его локализацией. С этого этапа проект открыт для полноценного участия Linux сообщества Узбекистана. Для этого первоочередной задачей является создание интернет-портала, позволяющего участникам сообщества проводить удаленную работу над проектом. Компонентами портала должны стать: репозиторий исходных кодов и дистрибутивов, FTP-сервер, информационный раздел, форум, блог-сервер, связь с локальными и глобальными интернет-ресурсами Линукс-сообщества.

Акция продолжается

С 13 декабря ООО «Unitel» совместно с контент-провайдером (поставщиком услуг) СП ООО «Информ Мобил Ташкент» и ООО «Zava Mobile» запустил новые голосовые и SMS сервисы.



С помощью нового SMS сервиса абонент может получить лучшие новогодние поздравления, игры, забавы и гороскопы для каждого зодиака, оригинальные тосты, обычаи разных стран для новогоднего застолья и многое другое. Отправляя слово SKAZKA на номер 2008, абонент получает меню сервиса, в котором предоставляется информация обо всех командах. За каждое пятное SMS на короткий номер 2008 абонент получит в подарок новогодние картинки и мелодии. Стоимость 1 исходящего SMS запроса на 2008 - \$0,36 (с НДС).

Также, с помощью нового голосового сервиса, позвонив на номер 0555, абонент может слушать голосовые анекдоты, оригинальные поздравления и новогодние тосты, как на узбекском, так и на русском языке. Стоимость звонка на 0555 - \$0,49/ мин (Первые 10 секунд - бесплатно). Есть возможность бесплатно получить на телефон прослушанное абонентом содержимое в виде SMS.

Кроме этого, контент-провайдер ООО «Zava Mobile» решил поощрять активных пользователей ценными новогодними подарками (100 мобильных телефонов), а именно, каждый 2000-й дозвонившийся на короткий номер 0555 и продержавшийся на связи более 10 секунд, получает в подарок сотовый телефон Nokia 2610.

Одна из победительниц не поверила, когда ей пришло сообщение, что она выиграла сотовый телефон. Она подумала, что это «очередная афера». Однако ей было очень приятно услышать, что «Билайн» приглашает ее в головной офис для получения своего приза. Количество таких удачных абонентов уже 25. «Билайн» подарил им свои брендированные подарки и искренне поздравил их с наступающим Новым годом.

Акция продолжается, подарки ждут своих владельцев!

ЗАКОНЧИЛСЯ 2007 год. ТАК СЛОЖИЛОСЬ, ЧТО В НАЧАЛЕ НОВОГО ГОДА ПРИНЯТО ПОДВОДИТЬ ИТОГИ ПРОШЛОГО ГОДА, ОПРЕДЕЛЯТЬ ПРИОРИТЕТЫ НА НОВЫЙ ГОД. ЧЕМ ЗАПОМНИЛСЯ ПРОШЛЫЙ ГОД ДЛЯ ЦЕНТРА UZINFOCOM: ЧТО БЫЛО СДЕЛАНО, КАКИЕ УСПЕХИ ДОСТИГНУТЫ И ЧТО ПРЕДСТОИТ СДЕЛАТЬ В НАСТУПАЮЩЕМ ГОДУ, Т.Е. ОБ ИТОГАХ ПРОШЛОГО ГОДА И ПЛАНАХ НА НОВОГО НАМ И ХОТЕЛОСЬ БЫ РАССКАЗАТЬ.

Прошлый год для Центра UZINFOCOM (www.uzinfo.com.uz) был успешным и плодотворным практически по всем направлениям деятельности.

Так, одним из главных направлений деятельности UZINFOCOM является развитие общественной образовательной сети ZyuNet (www.zyonet.uz), которая создана по инициативе Президента Республики Узбекистан в целях объединения молодежных образовательных информационных ресурсов и создания условий для удовлетворения информационных потребностей учащихся и студентов страны. В настоящее время количество размещенных на сайте ZyuNet информационных материалов привалило 5000 единиц, а каталог содержит ссылки на 110 сайтов вузов, 59 общеобразовательных учреждений, 22 научных структуры, 28 организаций в области культуры, а также 26 социально-общественных и 15 спортивных ресурсов.

Летом п.г. была запущена новая версия портала образовательной сети ZyuNET, в которой особое внимание уделено участию самих пользователей в наполнении портала информационными материалами — новостями, публикациями и другими материалами. В каталоге постоянно накапливались ссылки на сайты образовательной, научной,

Центр UZINFOCOM: итоги года и перспективы развития

культурной и спортивной тематики, а также пользовательские блоги.

В настоящее время процессы информатизации в нашей стране, как и в мире в целом, привели к тому, что усиливается зависимость общества от состояния безопасности информационной инфраструктуры. Это обстоятельство требует разработки комплекса мероприятий по созданию системы обеспечения безопасности информационных ресурсов на основе единого методологического подхода и выбора методов и средств повышения их защищенности. В этом отношении созданная в 2005г. при Центре UZINFOCOM Служба реагирования на компьютерные инциденты (UZ-CERT) — www.cert.uz, оказывают значительную помощь для национальных пользователей в обеспечении и повышении информационной безопасности ресурсов.

Служба UZ-CERT в течение года продолжила работу по обеспечению информационной безопасности различных систем. На сайте Службы был открыт «Персональный кабинет», предоставляющий зарегистрированным пользователям ряд бесплатных возможностей и услуг. Важным событием стал запуск программы UZ-CERTified для обеспечения информационной безопасности отечественных интернет-ресурсов. Состоялся ряд встреч с коллегами из Южной Кореи (KcCERT) по обмену опытом и наработками в области обеспечения информационной безопасности. В настоящее время ведется подготовка к вступлению в международную организацию специалистов по информационной безопасности FIRST и сообщество CERT-служб Азиатского и Тихоокеанского регионов APCERT.

Одним из основных направлений деятельности Центра является инфор-

мационная поддержка и развитие Правительственного портала Республики Узбекистан в сети Интернет. Учитывая важную роль и значение правительственного портала в создании «электронного правительства» Кабинет Министров РУз. 17 декабря 2007г. принял постановление № 259 «О мерах по дальнейшему развитию Правительственного портала Республики Узбекистан в сети Интернет». Принятие данного законодательного документа позволит модернизировать портал с целью широкого освещения деятельности органов государственной власти и управления, а также предоставления интерактивных услуг.

Стоит добавить, что на сегодняшний день Правительственный портал является одним из самых популярных национальных ресурсов, за день портал посещают более 1000 пользователей. В рейтинге национальной информационно-поисковой системы — www.uz данный ресурс занимает 5-место по посещаемости среди веб-сайтов национального сегмента сети Интернет (более 3тыс. веб-сайтов).

Центром UZINFOCOM большое внимание уделяется созданию благоприятных условий для формирования и развития информационных ресурсов в национальном сегменте Интернета, популяризации домена UZ (www.cctld.uz). С этой целью Центром организуются ряд акций, последние из которых предусматривает снижение стоимости регистрации домена UZ в два раза и предоставление бесплатного хостинга сроком на год. По состоянию на 23 декабря 2007 года в рамках данной акции пользователями были зарегистрированы 234 новых доменных имен в доменной зоне UZ. На 27 декабря 2007 г. количество зарегистрированных доменов достигло 5650, прирост новых доменов с начала года составил 57,1% (2006г.).

Для удовлетворения информационных нужд населения республики, обеспечения доступа к мировым информационным ресурсам, а также развития национального сегмента Интернет правительство страны в 2005 году приняло «Программу формирования и развития Национальной информационно-поисковой системы (НИПС)». В рамках реализации этой программы Центром UZINFOCOM была разработана и поддерживается НИПС (www.uz), являющаяся сегодня одним из наиболее посещаемых интернет-каталогов в Узбекистане.

Одним из текущих проектов Центра UZINFOCOM стала объединенная форумная площадка Узбекистана uForum (www.uforum.uz), которому в ноябре прошлого года исполнился год. Проект призван ускорить процесс внедрения в стране механизма онлайн-взаимодействия между государством и обществом. Отличительной особенностью uForum является объединение на единой площадке различных форумов организаций и предприятий, что дает возможность пользователям обсуждать различные тематические вопросы в сфере ИКТ, СМИ, государственных услуг и многое другое, а также открытость участников — реальные имена, места работы, фото. Количество участников — более 1400 человек. По итогам Интернет-фестиваля национального домена UZ 2007 года проект uForum признан одним из открытых года.

В ближайшем году UZINFOCOM планирует еще более активизировать работу по всем направлениям деятельности, но самое главное повысить доверие у пользователей путем дальнейшего предоставления качественных ИТ-услуг.

**А. НАЗАРОВ,
О. УМАРОВ**

Хабар +tv

UZBEKISTON

Хурматли телерадиобинлар!
Профилактика муносабати билан Душанба, 7 январ куни «02bekiston» телерадиоканали уз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.


14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Тадлинома».
15.40 «АЧЧИҚ ЁЛҒОН». Т/с.
16.20 «КАЙТАР ДУНЕ». Т/с.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Икки дарё оралиғида». Т/с.
«Болалар сайраси».
17.40 «Этрақлар - эҳшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «КАЙТАР ДУНЕ». Телесериял премьераси.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Охланлар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор»
20.10 «АЧЧИҚ ЁЛҒОН». Т/с премьераси (Туркия)
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот»
21.40 Эълон нақшу.
22.00 «СУНГИҒИ КИРОЛИЧА». Т/с премьераси (Корея)
23.05 «Кўшигинсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «РАМАЯНА». Т/с.
23.50-23.55 Тунги навалар.
«Uzbekistan»
23.55 Кўрсатувлар дастури.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
00.20 «Ботир Зокров». Фильм-концерт
01.00 «Ахборот» (рус)
01.30 «Ёшлар майдон»
02.30 «Бир кун»
02.55 «Кор кўйидаги лола». Б/ф.
04.00 «Ахборот»
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Минг бир ривоят»
04.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бор экан-да, йўқ экан»
05.00 «Кайтар дунё». Т/с.
05.40-05.55 Тунги навалар.



6.55 Дастуринг очилиши.
7.00 «Мультианорама».
8.00 «Таранчу».
9.00 «Тунги парвоз»
9.30 «ЕМГИР СИМФОНИЯСИ». Т/с.
9.55 «О, ёшлигим...»
10.00 «Давр». Хафта якуни.
10.30 «Болалар давраси».
11.00 Ташкил турфаси: «УЙИНЧОҚ ДАР МАМЛАКАТИ»
13.50 «Президент аччаси»
15.10 «Эверест»
15.50 «Мулки мумот»
16.00 «Давр». Янгилıklar.
16.10 «Ёшлар ила сабаб»
17.00 «Давринг боласи»
17.10 «Троллар мамлакати». Мультисериал.
17.30 «Болалар табасуми».
17.40 «Таджир». Ток-шоу.
18.20 «Раёидон курсатами?»
18.30 «О Ёшлигим...»
18.35 «Ёшлар навоиси»
18.55 «Уюшган» анкетаси.

ДУШАНБА — 7 ЯНВАР

19.00 «Давр». Янгилıklar.
19.30 «ЕМГИР СИМФОНИЯСИ». Т/с.
20.10 «UzEX хабарлари»
20.20 «Келажак ағалар»
20.30 «UzEX хабарлари»
20.40 «Янги йил наволари».
21.00 «Эълонлар»
21.10 «АЙЯЙ». Т/с.
21.55 «Телехуфта»
22.00 «Давр». Янгилıklar.
22.30 «ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ». Т/с.
22.30 «Хайри тун!»



17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм «Кор қиз»
18.05 21.50 «Телехуфта» - маркет.
18.25 «Биласими?»
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Аммида». Т/с.
19.20 «ТВ крист»
19.25 «Муслика SMS»
19.45 «Саломат бўлинг» /рус/
20.00 «Пойтахт» /рус/
20.15 «ТВ крист» /рус/
20.20 «Миллагрос». Т/с. /рус/
20.50 «Интервью» /рус/
21.00 «Жозеба»
21.30 «Пойтахт»
21.45 «Уларим»
22.10 «Аял қалиб»
22.20 «Пойтахт» /рус/
22.45 «Айю SMS со звездами»
22.50-00.30 Кино: «Снежная королева». Премьера.



7.00 «Бодро утро»
8.00 «Талиқи»
8.30 «Детектив»
9.00 «Версия»
9.30 Битлов. Жаҳон кубоги.
10.00 Нотроқатат природа: «Виды и я». Док.фильм.
10.30 Серия «Татьянин день».
11.15 Хоккей. Чемпионат мира среди молодежных команд.
12.15-13.15 «По шүүцүм велеинэ»
...
18.00 «Полнококт»
18.20 «Тет-а-тет»
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Мусоний тайм»
19.10 «Ким нимага ҳодир?»
19.30 Пыльце гоним. Куккоб мира.
19.50 «Спортлото»
20.00 «Колесо фортуны». Сериял.
20.50 Баскетбол. Евролига. ЦСКА (Россия) - «Олимпия» (Словения)
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
21.50 «ПроФРИТ»
22.40 Комедия «Шекспири и не снилось»
00.25 «Тунгизга осуда бўйсин!»


БИРИНЧИ

06.00 10.00 12.00 Новости
06.25 Док. фильм
07.25 X/ф. «Миминю»
09.10 «Умвизи и умвизи»
10.10 «Невынная радость»
10.40 X/ф. «Моя мама-невеста»
12.10 «Шеллеунчик»
13.35 «Ералаш»
14.05 X/ф. «Платин»

16.00 Сериял «Огонь любви»
16.55 «Ангелы-хранители»
17.55 сезона. «Магия десяти»
18.55 Церемония открытия «Года семян». Торжественный прием от имени Президента РФ
21.00 «Время»
21.20 X/ф. «Там, где живет любовь...»
23.00 «Принот комедиянтов. Новогодние сказки для Эльзара Раэнова»
00.45 X/ф. «Крупная рыба»
02.55 X/ф. «Посмотри на меня»
04.40 Сериял «На запад»

РОССИЯ

05.50 Мультфильм
06.30 X/ф. «Обыкновенное чудо»
06.50 X/ф. «Не было печали»
10.05 «Монастырь»
10.50 X/ф. «Где находится ноферлет?»
12.20 «Аншлаг и Компания»
14.00 Фильм
14.15 X/ф. «Софи»
15.10 X/ф. «Полза»
17.10 X/ф. «Самогонщик»
17.30 Мультфильм «Добрый Никитя и змей Горыныч»
16.50 «Рождественский бал». Полурфинал
20.00 Фильм
20.15 Комедия «Шекспири и не снилось...»
22.15 X/ф. «Ширли-Мырле»
00.50 X/ф. «Откройте, полиция-3»
02.35 X/ф. «Тартарен из Тараскон»




06.05 Боевик «Бандитки»
07.35 М/ф.
08.00 10.00 13.00 16.00 19.00 «Сегодня»
08.15 Лотерея «Золотой ключ»
06.40 «Дниак мир»
09.05 «Счастливый рейс»
10.20 «Едум драма»
10.55 М/ф «Зима в Простоквашино»
11.10 Комедия «Президент и его внучка»
13.20 X/ф «С любимыми не расставайтесь»
14.45 М/ф «Алеша Попович и Тугарин Змей»
16.20 «Один день. Новая версия»
16.50 Комедия «Римские каникулы»
19.35 X/ф «Муж на час»
21.20 Комедия «Любовь по правилам... и без»
14.30 «Властелин колец. Две крепости» 1-часть
17.20 Serial «Париждаги муҳаббат» 19-серия
19.00 Марказ NEWS (узб)
19.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 46-серия
20.00 Марказ NEWS (рус)
21.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 45-серия
22.00 «ЗА БОРТОМ» X/ф.
00.05 Миксер

Пайшанба

07.00 08.30 11.30 12.05 13.05
18.40 19.05 20.30 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўшаши

йўк» 46-серия

09.00 «За бортом» X/ф.
11.00 16.10 20.05 Мировые хиты
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Премьера» (узб)
14.00 «Бэби хитс»
14.30 «Властелин колец. Две крепости» 2-часть X/ф.
17.20 Serial «Париждаги муҳаббат» 20-серия
19.00 Марказ NEWS (узб)
19.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 47-серия
20.00 Марказ NEWS (узб)
21.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 46-серия
22.00 «АНГЕЛЫ ЧАРЛИ» X/ф.
23.55 Миксер

Жума

07.00 08.30 11.30 12.05 13.05
17.30 19.05 20.30 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 47-серия
09.00 «Ангелы Чарли» X/ф.
10.55 16.25 20.05 Мировые хиты
12.00 Марказ NEWS (узб)
13.00 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Премьера» (рус)
14.00 «Бэби хитс»
14.30 «Властелин колец. Три короля» 1-часть X/ф.
19.00 Марказ NEWS (узб)
19.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 48-серия
20.00 Марказ NEWS (рус)
21.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 47-серия (такрор)

** 00 «ХАЛК» X/ф.
00.30 Миксер

Шанба

07.00 13.00 15.30 18.30 19.30
20.30 Ўзбек навалари
08.00 11.40 20.30 Мировые хиты
09.30 «Бэби хитс»
10.00 «Властелин колец. Три короля» 2-часть X/ф.
14.30 Serial «TALABALAR.UZ» 5-6 сериалар
16.30 «День Шурба» X/ф.
19.00 «Санба оқшонида»
20.00 «Премьера» (узб)
21.30 Serial «TALABALAR.UZ» 7-серия
22.00 «КАЛКАН ВРЕМЕНИ» X/ф.
23.40 Миксер

Якшанба

07.00 13.00 20.30 Ўзбек навалари
08.00 11.20 19.00 Мировые хиты
09.00 «Шанба оқшонида» X/ф.
09.30 «Бэби хитс»
10.00 «Ледниковый период» X/ф.
14.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 44-48-сериаллар
17.00 Янгилар йил концерти
20.00 «Премьера» (рус)
21.30 Serial «TALABALAR.UZ» 8-серия
22.00 «НИКИТА» X/ф.
00.05 Миксер

RTR SPORT

Душанба

07.00 15.55 04.50 Хоккей. Континентальный кубок «Ав Бар» (Россия) - «Йига-2000» (Латвия)
08.55 «Легенды спорта». Лыжники в небе
09.25 03.20 Прокат на лыжах с трамплина
«Турне 4-х трамплинов»
11.10 Теннис. Лига чемпионов. Женщины
«Эвандра» (Россия) - «Норриберг»
12.45 Сборная Россия
13.15 00.50 «Мисс Бильярд-2008»
15.00 23.00 Вести-спорт
15.10 02.35 Автоспорт «Джар-2008»
17.50 Баскетбол. Мужчины «Деваль» (Москва) - ЦСКА
19.40 Бейсбол. Эстафета. Женщины
21.20 Бейсбол. Спринт. Женщины
23.10 Бейсбол. Мастер-старт. Женщины
00.05 ПБ. Вячеслав Гусев (Россия) против Мирозы Чупе (Кения)

Сешанба

07.10 Теннис. Лига чемпионов. Женщины
«Эвандра» (Россия) - «Норриберг»
09.45 11.00 14.55 18.40 23.05 02.00
Вести-спорт
09.00 10.00 Зарядка с чемпионом
10.10 «Остров ошанин». Бойки в трамплине
10.15 Serial «Свои команди»
10.45 Мастер спорта
11.10 Баскетбол. Мужчины «Деваль» (Москва) - ЦСКА
13.10 «Мисс Бильярд-2008»
15.05 02.15 Автоспорт «Джар-2008»
15.55 03.00 Хоккей «Авангард» (Омская область) - ХК МВД (Московский Областной)
18.10 Спортивная олимпиада
18.55 Хоккей «Локомотив» (Ярославль) - «Торпедо» (Нижегород)
21.10 Рыбалка с Радичевским
21.25 Бейсбол. Эстафета. Мужчины
23.25 Бейсбол. Спринт. Мужчины
01.50 Бейсбол. Мастер-старт. Мужчины
04.55 Прокат на лыжах с трамплина
«Турне 4-х трамплинов»
06.05 «Сборная Россия»

Чоршанба

06.45 16.15 Хоккей «Ав Бар» (Казань) - «Торпедо» (Нижегород)
09.45 11.00 15.00 18.40 22.55 02.00
Вести-спорт
09.00 10.00 Зарядка с чемпионом
09.10 Мультифилм «Приключения капитана Врунгеля»
09.35 Мультифильм «Субуи-Ду и Сиропки-Ду»
10.15 Serial «Свои команди»
10.45 Мастер спорта
11.10 20.40 Спортивная олимпиада
11.45 ПБ. Завид Рахимов (Россия) против Кувама Тосиро (Япония)
13.05 06.15 Хоккей «Локомотив» (Ярославль) - «Торпедо» (Нижегород)
15.10 02.15 Автоспорт «Джар-2008»
16.00 Рыбалка с Радичевским
18.10 Путь Дракона
18.55 Баскетбол. Женщины «Спартак» (Россия) - «Декан» (Бельгия)
21.15 03.45 Бейсбол. Эстафета. Женщины
22.15 Паралимпийский спорт
00.15 «Аргентина гайнер»
00.50 Новогородце шоу олимпийских чемпионов по синхронному плаванию
«Серебряные победы»
03.00 «Легенды спорта». Лыжники в небе
05.10 Прокат на лыжах с трамплина.
«Турне 4-х трамплинов»

Пайшанба

06.10 «Сборная Россия»
08.45 11.00 15.15 18.55 23.00 02.15
Вести-спорт
09.00 10.00 Зарядка с чемпионом
09.10 Мультифилм «Приключения капитана Врунгеля»
09.35 Мультифильм «Субуи-Ду и Сиропки-Ду»
10.15 Serial «Свои команди»
10.45 Мастер спорта
11.10 Путь Дракона
11.40 ПБ. Ашикар Рахимов (Узбекистан)

Против Диего Фри Муника (Кения)

13.05 «Аргентина гайнер»
13.55 19.05 Бейсбол. Эстафета. Женщины
15.25 02.25 Автоспорт «Джар-2008»
16.10 Хоккей. Международной датской лиги
«Золотые шайбы»
16.40 Баскетбол. Женщины «Спартак» (Россия) - «Декан» (Бельгия)
18.20 23.50 Точка спорта
20.40 «Легенды спорта». Лыжники в небе
21.15 03.10 Бейсбол. Эстафета. Мужчины
23.29 «Сборная Россия»
00.20 Баскетбол. Мужчины «Олимпикас» (Греция) - ЦСКА (Россия)
04.50 Прокат на лыжах с трамплина.
«Турне 4-х трамплинов»

Жума

06.55 Баскетбол. Мужчины «Олимпикас» (Греция) - ЦСКА (Россия)
08.45 11.00 15.15 19.45 23.15 23.35
02.20 Вести-спорт
09.05 10.00 Зарядка с чемпионом
09.10 Мультифилм «Приключения капитана Врунгеля»
09.35 Мультифильм «Субуи-Ду и Сиропки-Ду»
10.15 Serial «Свои команди»
10.45 Мастер спорта
11.10 Точка спорта
11.40 Бейсбол. Эстафета. Мужчины
13.30 Баскетбол. Мужчины «Олимпикас» (Греция) - ЦСКА (Россия)
15.25 02.30 Автоспорт «Джар-2008»
16.10 ПБ. Вячеслав Гусев (Россия) против Мирозы Чупе (Кения)
17.00 19.55 03.15 Бейсбол. Женщины
17.55 Спортивная олимпиада
18.10 Бейсбол. Спринт. Женщины
20.55 Хоккей «Спартак» (Москва) - «Салават Юлаев» (Уфа)
22.40 ПБ. Мигель Котто (Пуэрто-Рико) против Оскар Урсула
05.05 Баскетбол. Женщины «Спартак» (Россия) - «Декан» (Бельгия)

Шанба

07.00 Хоккей «Спартак» (Москва) - «Салават Юлаев» (Уфа)
08.00 11.00 11.10 15.35 19.45 23.55 00.15
02.25 Вести-спорт
08.15 Бейсбол. Спринт. Женщины
11.15 «Легенды спорта»
11.50 Хоккей «Северсталь» (Череповец) - «Авангард» (Омская область)
14.55 02.25 Автоспорт «Джар-2008»
14.55 Командный спорт. Мужчины
15.50 Баскетбол. Женщины ЦСКА - «Спартак» (Московская область)
17.35 Командный спорт. Мужчины
18.10 Бейсбол. Спринт. Мужчины
19.55 Командный спорт. Женщины
21.10 Теннис. Лига чемпионов. Женщины
ГК «Крич» (Словения) - «Засвад» (Россия)
22.40 Командный спорт. Мужчины
00.25 Футбол. Чемпионат Италии «Катания» - «Валенсия»
03.20 Бейсбол. Мужчины. Двойки
04.20 Командный спорт

Якшанба

07.10 Баскетбол. Женщины ЦСКА - «Спартак» (Московская область)
09.00 11.00 11.10 14.40 19.55 23.55 00.15
02.25 Вести-спорт
09.15 Бейсбол. Спринт. Мужчины
11.15 Страна спортсменов
11.40 Бейсбол. Мужчины. Двойки
12.20 ПБ. Мигель Котто (Пуэрто-Рико)
17.10 23.05 Бейсбол
17.35 Командный спорт. Женщины
19.10 03.20 Бейсбол. Гонок прощания.
Мужчины
20.05 Бейсбол. Четверки
21.10 Командный спорт
00.05 Футбол. Чемпионат Италии.
04.05 Командный спорт

WWW

МАЪЛУМКИ, 2007 ЙИЛДА ЖАҲОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОЛАМИ ЯНГИЛИКЛАРГА БОЙ БЎЛДИ, СОҲАНИНГ РИВОЖИ ЙЎЛИДА УЛКА ҚАДАМЛАР ТАШЛАНДИ. АММО, ШУ БИЛАН БИРГА, ИХТИРО-КАШФИЁТЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҲАМ МУАЛЛИФЛАР ВА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УМИДЛАРИНИ ТЎЛИҚ ОКЛАГАНИ ЙЎҚ. PC WORLD ЖУРНАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА 2007 ЙИЛДА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА УЧРАГАН АНА ШУНДАЙ ЭНГ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР РЎЙХАТИНИ ЧОП ЭТДИ.

2007 ЙИЛНИНГ

УАНОО!

Муваффақиятсиз лойиҳалари

wimax

Windows Vista

Йил кашфиёти бўлиши кутилган **Microsoft Windows Vista** амалиётлар тизими журнал "қора" рўйхатининг энг юқори погонасига жойлаштирилди. Бу ҳолатни муаллифлар мазкур дастурий платформанинг фойдаланувчилар ишончини оқламаганилиги, ўзидан олдин чиқарилган Windows XP тизимига қараганда секин ишлаши ва турли техник нуқсонлардан холи эмаслиги билан изоҳлашган.

Иккинчи погонадан **HD DVD** ва **Blu-Ray** форматлари қарама-қаршилиги жой олган. Бу икки стандарт ўртасидаги кураш муваққат пешқадамлик ҳисобига давом этмоқда ва қандай натижа билан устига ҳозирча номаълум. Бунинг устига, яқинда улар сафига яна бир рақобатчи — **HD VMD (Versatile Multi-layer Disc)** кўшилди. Бу дисклар 20 Гб гача маълумот сақлашга мўлжалланган бўлиб, улардан 1080р кўринишдаги юқори сифатли видео ни кўчиришда фойдаланиш мумкин.

Биринчи улкини **Beaçon** маркенинг тизимини тақдим этган **Facebook** "гайриижтимоий" тармоғи яқунлаб берган. Ноябрь ойининг ўрталарида маълум бўлишича, **Facebook**нинг **Beaçon** тизими онлайн тизимида амалга ошган савдолар ҳақида тармоқ аъзоларига маълумот бериб бораркан, яъни бу маълумотлардан бошқа фойдаланувчилар ҳам воқиф бўлишлари мумкин. Фойдаланувчиларнинг шахсий дахлсизлиги бузилиши, ўз навбатида, журнал муаллифлари назаридан четда қолмади.

Тўртинчи ўрин журналистлар ҳақида Хитой ҳукумати маълумот берган **Yahoo** компаниясига берилди. Бешинчи ўрин фақат муайян операторлар мобил тармоқларига ула-

ниши мумкин бўлган йил кашфиёти — **iPhone** мобил апаратурига теғди.

Файл алмашинув тармоқлари трафиғига тўсиқ қўювчи **интернет-провайдерлар** олтинчи ўринга муносиб қўрилди. Патент ва хавфсизлик бора-сида турли муаммоларга учраган **IP-телефония** тармоғи учун еттинчи поғона ажратилди. Кейинги ўринни эса худди **Windows Vista** сингари "ҳомроқ" ишланган **Apple Mac OS X 10.5 (Leopard)** амалиётлар тизими банд этди.

Хит-параднинг тўққизинчи қаторида интерфейси қайта ишловдан чиққан **Microsoft Office System 2007** янги офис пакети келтирилган. **PC World** журнали ўтинчи ўринни хизматларини мижозлар талаблари даражасига чиқариш учун ҳали кўп иш қилиши даркор бўлган **уяли алоқа операторларига** ажратди. Кейинги ўрин эса "iPod кушандаси" бўлиши тахмин қилинган **Zune** плеерига берилди. **Microsoft** корпорациясининг бу махсулоти ҳозирча **Арпеннинг** чўнтак қурилмаларини бозордан сиқиб чиқара олганича йўқ. Ун иккинчи ўринга негадир "**интернет-хавфсизлик**" сўз қурилмаси жойлаштирилди.

Ун учинчи ўрин сон-саноксиз **ижтимоий йўналишдаги сервисларга** берилди. **PC World** муаллифларининг фикрича, уларнинг 90 фоизи яқин икки йил ичида бутунлай йўқ бўлиб кетади. **WiMax** симсиз тармоқларини ўтказишда муваффақиятсизликка учраган лойиҳалар ўн тўртинчи ўринни эгаллади. Рўйхатнинг якуний поғонасини ўта мураккаб интерфеис ва бошқа муаммоларга эга видеоконтент етказиш сервиси — **Amazon Unbox** банд этган.

Aloqa olamida

"ҚўНФИРОҚ ВАСВАСАСИ"

Агарда сизга мобил телефонингиз кўнғироғи, гарчи у ёнингизда бўлмаса ҳам, чалингандек туюлаверса, билинги, сиз "18дан 26 ёшгача" деб номланувчи касалликка чалингансиз.

Лос-Анжелес университети олимлари ўтказган тадқиқотларда аниқланишича, уяли телефонлардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланиш "кўнғироқ васвасаси"ни келтириб чиқариши мумкин экан. Дунё бўйича уяли телефон фойдаланувчиларининг 67 фоизи ушбу касалликдан қийналади. Айниқса, Япония фуқаролари орасида уларнинг сони кўпчиликини ташкил этади.



ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗ

Air France компанияси яқин вақт ичида ўз йўловчиларига мобил алоқа-



нинг нафақат SMS ва E-mail хизматидан, балки овозли мулоқот хизматидан ҳам фойдаланишларига руҳсат бермоқчи.

Ўтаётган йилнинг апрелидан декабрига қадар махсус қурилма (кичик база станцияси) ўрнатилган Airbus A318 самолёти синовдан ўтказилди. Натижалардан қониқш ҳосил қилган компания тадқиқот доирасини кенгайтиришга қарор қилди.

МОБИЛ СПАМЛАР МУАММОСИ

Интернет-ҳамжамият муаммосига айланиб улгурган спамлар эндиликда мобил алоқа операторлари учун ҳам бошоғриғи бўлмоқда.

Энг ёмони, спамерлар учун кечами, кундузми фарқи йўқ — қоқ ярим кечаси ҳам спам SMS-хабар уйқунгизни бузиши ҳеч гап эмас. Хайриятки, бизда бу ҳолат кўп учрамайди. Масалан, Американинг Verizon Wireless мобил алоқа оператори фойдаланувчилари тараққийнинг бу аччиқ мевасидан истаганча "баҳраманд" бўлмоқдалар. Албатта, оператор имкон қадар ноқерак хабарлардан мижозларини муҳофазалаш чораларини кўрмоқда. Шунга қарамасдан, масала тўлиқ ечимини толгани йўқ. Масалан, бир кунда спамерлар 12 миллиондан зиёд матнли хабар жўнатишган ва улардан 4618таси манзилга етиб борган.

WINTEKнинг БОЗОРИ ЧАҚҚОН

2007 йилнинг учинчи чорағида Samsungни орта қолдирган Тайваннинг Wintek компанияси мобил телефонлар учун дисплей ишлаб чиқарувчилар орасида етакчи бўлиб олди. Айни пайтда мазкур бозорнинг 14,2 фоиз махсулотини бевосита Wintek дисплейлари ташкил этади.



DisplaySearch компанияси маълумотларига қараганда, Wintek компанияси томонидан 2007 йилнинг учинчи чорағида жами 47,26 миллионда дисплей ишлаб чиқарилган. Бу даврда Samsung компанияси цехларида 39,19 миллионда дисплей тайёрланган.

Етакчи бешликка, шунингдек, Sharp (10 фоиз), Epson (9,5) ва TPO (7,5) компаниялари ҳам кирган.

2,3 ТРИЛЛИОН SMS = 60,2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Gartner компанияси мутахассисларининг тахмин қилишларича, 2008 йилда жаҳоннинг асосий бозорларида 2,3 триллионга SMS-хабар жўнатила экан. Бу ўтган 2007 йилгидан 20 фоиз өқоридир. Фойда 16 фоиз ўсиб, 60,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

ОЛИМЛАР ҲАҚМИ?

Daily Mail нашрининг хабар тарқатишича, тадқиқотлар натижасида исроиллик олимлар мобил телефонлар оғиз бўшлиғида рақни келтириб чиқаради, деган хулосага келишган.

Олимлар беш йил мунтазам мобил телефондан фойдаланиш оғиз бўшлиғида саратоннинг ривожланиш эҳтимолини 50 фоизга кўпайтиришини таъкидлашган. Айниқса, мобил тармоқ билан қопланиш даражаси паст худудларда яшовчи фойдаланувчилар учун бу хавф кучлироқ. Эҳтимол, бу ҳолатни алоқага чиқиш учун мобил телефон орқали кўп сигнал юбориш билан изоҳлаш мумкиндир, олимлар бу борада аниқ бир тўхтамга келишгани йўқ.

GOOGLE ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Интернет соҳасининг йирик Google компанияси ўз онлайн-энциклопедияси устида иш олиб борапти. Энциклопедия кўнғиллар томонидан юритилиши мўлжалланган. Компания вакиллари бу соҳада аллақачон тан олинб улгурган, интернетнинг энг кўп ташири буюриладиган сайтлари ўнлиғида турувчи Wikipedia онлайн-тизими билан рақобатга киришиш ниятлари ҳам йўқ эмаслигини билдиришган.



Айни пайтда Know (инглизча "knowledge" — "билим" сўздан) номи берилган янги хизмат устидаги синон-тадқиқот ишлари давом этапти.

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

БУХОРО ВИЛОЯТИ АЛОҚА ХОДИМЛАРИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ КЎМИТАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СОҒЛОМ ВА ХАВФСИЗ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИБ БЕРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР МУХОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда шу нарсалар таъкидландики, "Бухоро Телеком" филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида кундалик ишлар ички меҳнат тартиби қоидалари асосида йўлга қўйилган бўлиб, унга қатъий риоя қилинмоқда. Корхона маъмурияти ва бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ, 2006-2007 йиллар давомида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ишлар бажарилган. Ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларни шахсий ҳимоя воситаларини билан таъминлаш, уларга махсус кийим-бош ажратиш доимий эътиборда. Меҳнат муҳофазаси бўйича 3 босқичли жамоа назорати ташкил этилган бўлиб, бу борада муайян натижаларга эришилди. Ходимлар тиббий-кўриқдан ўтказиб келинмоқда. Электр хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча боғламаларда профилактика тадбирлари ўтказилиши турли кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этипти. Зарарли меҳнат шариоитларида ишловчиларнинг сўт ва сўт махсусотларини билан таъминланишига ҳам эътибор берилмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган комиссия аъзолари жойларда ўз вақтида текширишлар ўтказиб, аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга эришмоқдалар.

Эътибор

Маълумки, ходимларнинг моддий манфаатдорликларини ошириш ишлаб чиқаришдаги ютуқларнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг хисобга олиб, ходимларнинг иш ҳақларини кўпайтириб боришга ҳам эътибор бериб келинапти.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш учун филиал ва унинг боғламалари бўйича 23 миллион 743 минг сўм сарфланди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро филиали ҳамда унинг тасарруфидаги шаҳар ва туманлар почта алоқаси тармоқларида жами

қилинган жамоа шартномасининг "Меҳнат муҳофазаси" бўлимига "Махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларини сотиб олиш харажатлари сметаси" илова қилинган бўлиб, ҳисобот даврида унга асосан иш олиб борилди. 2007

таъминлаш бўйича кўлга киритилган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзи бир шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида алоқа бўлимлари бинолари таъмирталаб аҳволда, айрим жойларда эса махсус кийим-бошлар сифатини назорат қилувчи комиссиялар тузилмаган. Хуллас, бундай камчиликлар ўз вақтида


ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз.

Юқоридаги масалалар бўйича сўзга чиққан "Бухоро Телеком" филиали директори Шариф Худойбердиев, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали раҳбари Абдуҷаббор Атамуродов, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукурлулаева корхоналарнинг маъмуриятлари ва цех касаба уюшма кўмиталарининг биринчи галдаги вазифаси ходимларга қўлай меҳнат шариоитлари яратиб беришдан иборат эканлигини, бутун куч ва имкониятлар ана шу муҳим ишга йўналтирилиши лозимлигини таъкидладилар.

Йиғилишда Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси касаба уюшма кўмитасининг раиси Маҳмуд Жалилов, Олот тумани телекоммуникациялар боғламаси меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси Бехзод Тоиров ҳамда ушбу боғлама касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олим Очилов ва бошқалар сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитасининг 2007 йилнинг 9 ойи давомидаги касба уюшма бюджетининг бажарилиши ҳамда 2008 йил учун мазкур бюджет смета лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди. Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири



йилнинг 9 ойи давомида ишловчилар учун махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари сотиб олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун 3 миллион 731,5 минг сўм сарфланди.

бартараф этилиши зарур.

Ходимлар ва уларнинг болаларини соғломлаштириш доимий эътиборда. 2007 йилги ёзги таътил давомида янги қурилган "Ёш алоқачи" болалар оромгоҳида 413 нафар болажон дам олиб, янги ўқув йилига янги кунгайрат билан киришди. Ушбу мақсад учун ижтимоий сугурта маблағлари хисобидан 3 миллион 455 минг сўм, корхоналар хисобидан эса 17 миллион 502,4 минг сўм сарфланди. Ҳисобот даврида касаба уюшмалари хисобидан маънавий-маърифий ишларни амалга оширишга 4,5 миллион сўм, 2007 йилнинг 9 ойи давомида жойларда спорт ишларини тўғри йўлга қўйиш учун 2 миллион 600 минг сўм сарфланганлигини

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ДАВОМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ФИЛИАЛ ВА УНИНГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР БОҒЛАМАЛАРИ БЎЙИЧА 23 МИЛЛИОН 743 МИНГ СЎМ САРФЛАНДИ.

815 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг 270 нафари аёллардир. 2006-2008 йиллар учун қабул

Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилиб борилади. Меҳнат муҳофазасини

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан "TAS-TURK-SAN" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001415 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 5 декабрдан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 48-бандига асосан:

"ALOQA TECHNOLOGIYASI YANGILIK QO'SHUV" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001403 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 5 декабрдан;

"SYNTech TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001711 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 11 декабрдан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш

ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сонли қарорига асосан: «Нектар» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасининг (Қарши шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001754 рақамли;

«Фаргона Алоқа таъмирловчи» хусусий корхонасининг (Фаргона шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001762 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 20 декабрдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"КАРАКАЛПАК-ПЕЙДЖИНГ" масъулияти чекланган жамиятнинг (Нўкус шаҳри) аризасига мувофиқ шахсий радиочақирув тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001764 рақамли;

"ALOQA VA TOZA ENERGIYA TECHNOLOGIYALARI" шўъба корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ кўча радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001756 рақамли;

"KARVON-ALOQA" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2004 йил 2 июнда берилган АА серияли 0000595 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2007 йил 28 декабрдан тўхтатилди.

ЭЪЛОН! "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК "ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ" ФИЛИАЛИ

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиалига қарашли эксплуатациядан ва асосий ҳисоботдан чиқарилган Сирдарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудларида жойлашган аналогли магистрал алоқа кабелларини демонтаж қилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи — "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш ва алоқа соҳасидаги қурилиш ишларида энг камида 2 йиллик иш тажрибасига, етарли касбий ва техниквий малакага, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишига лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида қатнашиш талабгоҳига буюртмачи томонидан белгиладиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Тендерда қатнашиш тартиби ва шарт-шариоитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 23-йў. Тел: 136-22-52, факс: 133-67-45.

Табриклаймиз!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси бошқарма аъзоси Қулмурод ҚУЛСАХАТОВНИ таваллуд топган кунини билан муборакбод этади. Унга оилавий бахт-саодат ҳамда муштаҳам соғлиқ тилайди.

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Қува тумани телекоммуникациялар боғламаси ишлаб чиқариш бошлиғи Анваржон ҲИДОЯТОВНИ, Фаргона тумани телекоммуникациялар боғламаси кабел-пайвандловчиси Мухторжон МУҲИМЖОНОВНИ, Учқўрпик тумани телекоммуникациялар боғламаси монтажчи Эргашжон ҚУЛМАТОВларни 50 ёшга тулишлари муносабати билан самимий табриқлайди. Уларга муштаҳам саломатлик, узок умр, оилаларига тиричлик-ошойишталик тилайди.

SARGUZASHT-DETEKTIV

— Энг муҳими — асабилашманг, — деди доктор Мейнел врачларга хос тасалли берувчи майин оҳангда.

Умуман олганда ҳеч нарса ни англамайдиган бу сузларга миссис Гартер кўнигиб кетган.

— Юрагингизда айна дамда бироз заифлик бор, — тез-тез давом этди врач. — Булар бўлмас нарсаларни ўйлаб қайгуверманг. Бироқ уйга лифт ўрнатсангиз яхши бўларди-да, сиз бунга нима дейсиз?

Миссис Гартер Мейнелга боқаркан, нигоҳида ташвиш акс этди. Докторнинг юзида эса аксинча, тўла қониқиш бор, ўзидан жуда мамнун эди. Унга камбагалларниқига бориш малол келар, бадавлат беморларниқига эса бажонидил таширф буюрар эди. Бундай таширфлар унинг шундоқ ҳам бой ҳаёлий дунёсини янада бойитиб юборар ва барча касалликларга даво бўлувчи дори-дармонларни ёзиб ташларди.

— Ҳа, майли... — тасаллади доктор, фикри ҳаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд эканлиги яққол кўриниб тураркан. — Агар лифт ўрнатилса, жуда соз бўлади. Хар куни тоза ҳавода сайр қилинг. Ёзиласиз. Фақат кўп юрманг, тоққа чикманг, гам-андухга ботманг.

Кексаяиб қолган леднинг жияни Чарлз Рижвей билан эса очикроқ гаплашди.

— Мени тўғри тушунинг, — деди у ёш йигитга. — Сизнинг холангиз ҳали узоқ йиллар яшаши мумкин. Аммо шуни билингики, қутилмаган зарбалар, руҳий зўриқишлар, ҳаддан ортик асабилашшиш шундай хавфлики, тил тортмай ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Миссис Гартер ниҳоятда осойишта муҳитда яшаши керак. Озгина ҳис-ҳаяжон, озгина толиқиш ҳам мумкин эмас. Бироқ ўзи билан ўзи бўлиб, тушқунликка тушиб қолмасин. Имкон қадар руҳиятини бир хил тутишга ҳаракат қилинги, эртани кунга ишонсин.

— Эртани кунга ишонсин... — ҳаёлга ботганча тақорлади Чарлз. — Касаллик ҳақида ўйлаш мумкин эмас, дедингизми?

Чарлз жуда ақлли йигит, калласига бир ғоя келганди, ўша оқшомнинг ўзидаёқ холасига айтди. Бу жуда ғаройиб ва оддий эди: радиоприёмник сотиб олиш керак. Уй-ҳаёлини лифт ўрнатиш махзунлаштирган миссис Гартер жиянининг таклифини маъқулламади, аммо Чарлз холасини жон-жаҳди билан кўндиршига туғинди:

— Мен бу янги чиққан турфа матоҳларга ишонавермайман, — деди хоним. — Унда ахир электр токи бўлади-да, тўғрими, у менга бирор бир зиён-заҳмат етказмади, деб қўрқман.

Чарлз ҳам илтифот қўрсатишга интилиб, минг машаққату сабр-тоқат билан



Агата Кристи
Жазо

лан ишонтиришга уринарди. — Ҳолажон, диққат қилинг, мен сизга ҳаммасини бошидан тушунтириб берман.

— Сен нима десанг, деявер, аммо барибир қўрқаман, — қайсарлик билан жаврарди кампир. — Ахир баъзи одамларга электр таъсир қилади, таъсир қилганда ҳам яна қандай дегин. Момақалдирок олдидан бошим бежиз оғримайди-ку!

Бироқ Чарлз ҳам қайсарликда ҳола-сидан қолишмади.

— Жон, Мери хола, — давом этарди у. — Рухсат беринг, мен сизга ҳаммасини тушунтирай. У ўзини радиотехника соҳасида зўр мутахассис деб ҳисобларди ва ўша ондаёқ холасига овоз кўчайтиргичлар, тўлиқлар, антенналар, узатгичлар, юқори ва паст частоталар, модуляция, конденсаторлар ҳақида маъруза ўқиб ташлади. Алал-оқибат қар леди ўзига мутлақо тушунасиз атамалар оқимида қолиб кетишдан чўчиб, жиянига ён берди.

— Ҳолажон, — деб хитоб қилди Чарлз, — агар приёмник сотиб олсан, сиз хар хил хасталиклару дўзах ҳақида, аллақандай арзимас нарсалар тўғрисида ўйлаб эзилавермайсиз. Шундай эмасми?

Доктор Мейнел томонидан тавсия этилган лифт, хонадонда лифтернинг ҳам пайдо бўлишига олиб келиб, миссис Гартерни анча қайғуга ботирди. Зотан, эски инглиз анъаналари остида тарбия қўрган аёлга уйда бегона киши пайдо бўлгани бу — ошхонанинг қадим қумуш қошиғига яна бир даъвогар дега-

ни эди. Уйга лифт ўрнатилгач, ҳаш-паш дегунча радиоприёмник ҳам пайдо бўлди. Миссис Гартер, ўзининг тили билан айтганда, катта, бесўнақай клавишли ўқимсиз қутига ижирганиб қарай бошлади.

Пул сарф қилишган матоҳга холасининг муносабатини ўзгартириш учун Чарлз бор маҳоратини ишга солишига тўғри келди. Тўғмачаларни босаркан, мўъжизавий приёмникни ониз кўпиртириб мақтарди ва ниҳоят, миссис Гартернинг нафрати жонли қизиқиш билан алмашди.

Кекса леди Чарлзни жон дили билан яхши кўрарди. Илгари у билан жияни Мириам Гартер яшарди, холаси уни меросхўр қилиш ниётида эди, аммо Мириам кампирнинг ҳафсаласини пир қилди. Қиз бесабр-бетоқат, жиззак бўлиб, кексаяиб қолган қариндоши жамоасини кўнгли асло хушламасди. Мириам сира уйда турмасди, миссис Гартернинг ибораси билан айтганда, виждон ва уятни йиғиштириб қўйиб, доимо қаерларгадир ғойиб бўлиб қоларди. Алал-оқибат қиз ёш йигит билан ўралашиб, ноҳус воқеа юз берди-ю, бу йигитни холанинг кўргани кўзи қолмади ва Мириамни ота-онасиникига жўнатиб юборди. Қиз эса тез орада ўша йигитга турмушга чиқди. Шу-шу миссис Гартернинг жияни билан муносабатлари Мавлуд байрамига рўмолча ва сalfеткалар юборишдан нарига ўтмайдиган бўлди.

Бир қараганда Чарлз Мириамнинг бутунлай аксидек кўринарди. У холасига хар лаҳза хурмат-оҳтиромни намойиш этар ва унинг олис ёшлик дамлари би-

лан боғлиқ ҳикояларини зўр қизиқиш билан тингларди. Унинг сира аччиғи чиқмас, булар бўлмасга ёниб кетмас, Мириамдан фарқи хушҳол ва қувноқ эди. Бир қунда неча-неча бор “Ҳолажоним, қандай ажайиб ва ғаройиб кампиршосиз-а”, деб хитоб қиларди. Эҳтимол, худди шунинг учун ҳам жиянидан хурсанд бўлган миссис Гартер ўзининг адвокатига янгидан васиятнома тузиш: бутун мол-мулкни севибли жияни Чарлз Рижвейга қолдириши тўғрисида илтимос билан хат ёзганди. Илтимос бажарилганда эса миссис Гартер матни маъқуллагина кўриб чиқиб, зўр қониқиш билан имзо чекди.

Радиоприёмникнинг сотиб олиниши жиянига бўлган меҳри ўн чандон ошарди. Бу ҳам бўлса Чарлзнинг холасига қанчалар боғланиб қолгани ва қанчалар самимий эканлигидан бир даллат эди. Еш жиянига бўлган меҳри миссис Гартерни ва ниҳоят “янги чиққан матоҳ”ни суймаслик туйғусини ёнлаб ўтишга мажбур қилди ва у радио эшиттиришларни битта қўймай қизиқиб тинглайдиган бўлди.

Уйга приёмник келтирилгандан борминан уч ойлар ўтгач, биринчи таърифати, тушуниб бўлмайдиган даҳшатли воқеа содир бўлди. Чарлз оқшомлари ниҳоятда оқшомдорчиликда, миссис Гартер эса одатига кўра ўзининг қулай, баланд суянчилик оромқурсисидан ўтказарди. Ўша оқшом концерт эшиттирилётган эди. Бутун дунёга машҳур сапороно овоз соҳиб оммалашиб кетган инглиз балладасини ижро этарди. Қўзлари юмук ҳолдаги миссис Гартер ияига таянганча диққат билан тингларди. Аммо бу ҳузур-ҳаловат узоққа бормади: қутилган нақорат ўрғига мусиқа садолари кўрқинчи бир алфозда тўсатдан тиндию, динамикдан ширриллаган тириллаган овозлар ва морзинг тик қилган товуши тарала бошлади. Бироздан кейин шариллаган шовқин пасайиб, асабларни таранглаштирувчи жимжитлик эгаллади. Сўнг яна қандайдир ғалати овозлар қўлоққа чалина бошлади. Худди қаердадир ўзининг заиф узатгичлари билан қалин эфирни ёриб ўтолмаётган кучсиз станция ишлаётгандек эди. Бир пасдан сўнг шовқин тинди, унинг ўрнига динамикдан эркак кишининг ирландча лаҳжада шивирлаган овози эшитилди:

— Мери, — деди овоз, — сен мени эшитясанми, Мери, бу мен Патрикман, ҳадемай сени олиб кетгани келаман... Ҳозирлигингни кўравер, Мери...

Ўша захотийёк яна мусиқа садолари янграй бошлади. Балладанинг яқунловчи аккордлари тараларди.

(Давами бор).

Рус тилидан Ҳафиза САЛҲОВА таржмаси

SAVOL VA JAVOB

НЕГА “ОТ КУЧИ”?

Англиялик ихтирочи Жеймс Ватт томонидан фанга киритилган “от кучи” атамаси кучни эмас, балки қувват (муайян вақт оралигида бажарилган ишни ифодаловчи физик катталик)ни англатади. Нега айнан от кучи? Чунки олимнинг тадқиқотлари конда кўмир тўлдирилган саватларни блок қурилма воситасида баландалликка тортиб чиқараётган отларнинг маълум вақтда бажарган ишларини ҳисоблашга асосланган эди.

Ватт унча мураккаб бўлмаган математик амаллар воситасида битта от бир дақиқада 100 фут чуқурлик (30 метр)дан 330 фунт (150 килограмм) кўмирни тортиб чиқаришини ҳисоблади. Бу қувват бирлиги hr кўринишида ифодаланувчи “horsepower”, яъни “от кучи” номини олди.



1960 йилнинг октябрида Ўлчов ва оғирликлар бўйича XI Бош анжуманда Халқаро ягона бирликлар тизими — СИ қабул қилинди. 736 ваттни ташкил этувчи бир от кучи қувват бирлиги дея атала бошланди.



ДАРАХТЛАР МУЗЛАЙДИМИ?

Баҳорда дарахтларнинг “уйғониши” қизиқ ҳодиса, шундай эмасми? Ҳолбуки, мантиқан олиб қараганда, қишда хужайралардаги суоқлик музлаб, пайдо бўлган кристалл доналари хужайра мембранасини ёриб юбориши ва дарахтларни ҳалокатга дучор этishi лозим.

Гап шундаки, хужайра суоқлигида унинг музлаши олдини олишига етгулик миқдорда қанд моддаси тўпланади. Бундан ташқари, ўсимлик хужайрасининг ўзи ҳам яхши иссиклик сақловчи ҳисобланади. Тўғри, қаҳратон қишларда баъзи дарахтлар нобуд бўлади. Бунга сабаб ўша дарахтларнинг кўп ҳосил туғишида — кўплаб минераллар ва қанд моддаси меваларнинг шаклланишига сарфланади, оқибатда дарахт танаси кучсизланиб қолади.




НЕГА БАЛИҚЛАР ҲАВОДАН НАФАС ОЛМАЙДИ?

Бир куб метр ҳаводаги кислород миқдори бир куб метр сувдагидан анча кўп. Шунинг учун ҳам балиқлар нафас олиш учун ўз жабралари орқали жуда кўп миқдордаги сувни ўтказишади. Ақулларга янаям қийин, уларнинг жабралари яхши ривожланмаган, шу боис жониворлар тинимсиз ҳаракатда бўлишга, жабралари орқали кўпроқ сув ўтказишга мажбурдирлар. Савол туғилади: сув “аҳли” вақти-вақти билан сувдан чиқиб кислородга бой ҳаводан нафас олса бўлмайди? Маълум бўлишича, бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Масалан, очик ҳавода балиқларнинг жабралари ёпилиб, қуриб қолади. Натҳажда ҳаводан кераклича кислород олиш учун юза майдон камлик қилади. Фақат бир неча турдаги икки хил нафас олишга мослашган балиқлар атмосфера ҳавосидан баҳраманд бўлиши мумкин.

BO'SH VAQTLARDA

КРОССВОРД



Тузувчи: Умида ИСМОИЛОВА

ЭНИГА:

1. Дунёдаги энг катта чўл. 7. Профессионал бокс кироли. 15. Тинч океанидаги архипелаг. 16. Шамсия йилининг ўн биринчи ойи. 17. Каспий соҳилида жойлашган йирик шаҳар. 18. Дунё океанининг қуруқлик билан ёки сув ости релефининг кўтарилган жойлари билан ажралиб турувчи қисми. 21. Зич, майин, тик ва қисқа патли газлама. 23. Швед автомобили. 24. Мусулмончилик фарзларидан бири — ҳаж амалини бажарган киши. 25. Мамлакатимизнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири. 29. Торли тирнама соз, оммабоп чолғу асбоби. 31. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик достони. 32. Мусиқада турли баландликдаги товушларнинг биргаликда эшитилиши. 34. "Күёш" империяси. 37. Насронийларнинг олий мартабали руҳонийси, черковга қарашли маъмурий-худудий бирлик бошлиғи. 38. Ҳар тўрт йилда такрорланадиган, 366 кеча-кундуздан иборат тақвим йили. 42. Япониядаги шаҳар, префектура маъмурий маркази. 43. Япалоққушлар туркумига мансуб қуш, кемирувчилар қушандаси. 44. Ўрта Ер денгизидagi орол-давлат. 45. Гринвич чизиги (0°) маъкур пойтахт-шаҳардан ўтган. 48. Қорақайиндошларга мансуб манзарали ва мевали дарахт. 50. Сүтэмизувчи йиртқич ҳайвон. 51. Бир неча взводдан иборат ҳарбий бўлинма. 52. Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. 55. Россиядаги шаҳар, Шимолий Осетия маъмурий маркази. 56. Самарқанд вилоятидаги туман.

БЎЙИГА:

2. Биринчи минг йилликда яшаган туркий қабиладардан бири. 3. Саудия Арабистони гул бирлиги. 4. Венгрияда ишлаб чиқариладиган автобус русуми. 5. Чаҳориёрлардан бири, тўрт халифанинг сўнггиси. 6. АҚШдаги штат. 8. Амир Темурнинг набираси, буюқ мунажжим ва давлат арбоби. 9. Дунёдаги энг узун тоғ тизмаси. 10. Энига нисбатан буй ўлчами ортиқ бўлган баланд иншоот. 11. "Ҳамиша", "мунтазам" сўзларининг синоними. 12. Мусиқа нотаси. 13. Шимолий Америкадаги яриморол. 14. Ўзбек мумтоз шоираси. 19. Чумчуқсимонлар оиласига мансуб қуш. 20. Вал ёки ўқ таянчи. 22. Юнистондаги қадимий шаҳар, Зевсга бағишлаб спорт мусобақалари ўтказилган жой. 26. Эроннинг шимоли-шарқидagi тарихий вилоят. 27. Хорватиянинг Адриатика денгизи соҳилидаги порт шаҳри. 28. Яқин қариндош. 30. Португалиялик таниқли футболчи ... Кошта. 33. Мауглининг илон дўсти. 35. Канада ва АҚШ худудида жойлашган машхур шаршара. 36. Исроил халқининг асосий қисмини ташкил этувчи миллат. 38. Қоғознинг бир тури. 39. Адабиётда лирик жанр. 40. Ёқутистон пойтахти. 41. Она кўйи. 46. Ўзларини пайғамбаримизнинг авлодидан ҳисобловчи мусулмонларнинг фахрий номи. 47. Шамсия йилининг иккинчи ойи. 49. Ёғоч, металл, темир-бетон ёки бошқа материалдан қилинган ва ер устидан ўтказилган ариқ. 52. Сузда ашовчи улкан сүтэмизувчи жонивор. 53. Самолёт русуми. 54. Мусиқа нотаси.

Web-... (ru — Web-..., en — Web-...) — World Wide Web, WWW ёки World Wide Web принципи бўйича маълумотлар алмашувининг корпоратив тармоғига тегишлилигини белгилловчи қўшимча мослама.

Web-шарҳловчи (ru — Web-обозреватель, en — Web-commentator) — Навигация ва турли интернет-ресурсларини кўриб чиқиш учун фойдаланиладиган дастур.

Изоҳ — Web-шарҳловчи HTML-ҳужжатни ўқиб текширади ва уни фойдаланувчига тақдим қилиш учун шакллантиради. Янада кўпроқ тарқатишни Microsoft Internet Explorer (фойдаланувчиларнинг 90 фоизга яқини), Netscape Navigator, Opera Web-шарҳловчилари олдилар.



Web-сервер, Интернет-сервер (ru — Web-сервер, Интернет-сервер, Web-server, en — Internet-server) — 1. Битта ёки бир нечта Web-боғламаларининг ишини таъминловчи дастурий ҳавола. 2. Сервернинг дастурий таъминоти билан таъминланган ва интернет мижозларидан талабларни олиш, ишлов бериш ва бажариш учун мўлжалланган компьютер.

Web-саҳифа (ru — Web-страница, en — Web-page) — Интернет бўйича фойдаланилиши қулай бўлган HTML-ҳужжат.

Web-узел (боғлама) (ru — Web-узел, en — Web-component) — Web-шарҳловчи махсус дастурлар ёрдамида компьютер орқали кўриб чиқиш учун мўлжалланган онлайн ахборот ресурсларининг ўзаро боғланган тўплами.

Изоҳ — Web-узел электрон кўринишдаги ҳужжатлар тўпламини, онлайн хизматини ўзида акс эттириши мумкин.

SALOMATLIK

Ўлкамизда қиш. Бу фасл қанчалик чиройли ва фусункор бўлмасин, ўзига яраша ташвишли томонлари ҳам бор. Яъни, одамларда тез-тез шамоллаш, уйқуга тўймаслик, тушкунлик кайфияти каби салбий ҳолатлар намоён бўла бошлайди. Бунга сабаб нима?



ҚИШДА ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНМОҚ КЕРАК?

Шифокорлар бу каби ҳолатларни овқатланиш тартибини ўзгартирмаганимиз, яъни ҳамон ёздагидай овқатланишни давом эттираётганлигимиз билан изоҳлайдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қиш фасли билан боғлиқ кўпгина муаммоларни овқатланиш тартибига жиддий эътибор берган ҳолда ҳал этиш мумкин, аслида. Яъни, бир одамнинг қиш кунлари таомлардан оладиган ўртача қуввати 2000 килокалориядан кам бўлмаслиги керак. Унинг бу миқдордан кам бўлиши эса танамизнинг чидамлилиги даражасини камайтиради. Шунинг учун қиш фаслида кучли парҳездан узоқлашган маъқулроқ. Чунки, бу фаслда танамизга оқсиллар ҳам, углеводлар ҳам кўп миқдорда керак бўлади. Ҳўш, бу каби зарур моддаларни қердан оламиз?

Қишда энг қўп хуруж қиладиган зарарли микробларга қирон келтирадиган модда цистеин аминокислотасидир. Биз балиқ, бошоқли неъматлар ва қўкатлар, соя маҳсулотлари, парранда гўшти, пишлоқ ва творог каби маҳсулотлардан керакли миқдордаги цистеинни олишимиз мумкин.

Мутахассислар самолалашнинг олдини олиш ва даво мақсадида тез-тез товуқ шўрва ичиб туришни маслаҳат берадилар.

Шунинг унутмангки, қишда иммунитет тизимини мустаҳкамлаш мумкин аҳамиятга

эга. Бу борада сариқ рангли мева ҳамда сабзавотлар — апелсин, мандарин, лимон, сабзи, ошқовоқ каби неъматлар мумкин ўрин тутади. Бу маҳсулотларда вирусларни қирувчи А, Е, С дармондорилари ҳамда уларнинг сингшига ёрдам берувчи биофлавоноидлар мавжуд. Шунингдек, қиш кунлари тез-тез қатик ичиб туриш тавсия этилади. Чунки, қатик таркибидagi фойдали бактериялар ичаклардаги шиллик парданинг вирусларга бардошлилигини оширади. Дастурхонимиздан тузланган қарам, наъматак дамламаси ҳамда лимонли чойни узмаслигимиз лозим. Бу маҳсулотларда организмни қувватлантирувчи С витамини мавжуд ва бу витамин соғлом юришимиз учун жуда зарурдир.

Қишда кўёшли кунлар кам бўлганлиги сабабли инсон танасидаги мавжуд серотонин моддаси камайиб кетади. Бу моддага бўлган эҳтиёжимизни биз ёғли балиқ ёки pista ва зайтун ёғларидан, шунингдек, банан ва шоколад истеъмол қилиб олишимиз мумкин.

Ҳар кимнинг саломатлиги ўз қўлида эканлигини унутмайлик. Агар биз танамизни турли машқлар билан чиниқтириб борсак ва овқатланиш тартибига риоя этиб, унинг керакли дармондорилари ҳамда микроэлементларга бой бўлишига эришсак, ҳар қандай касаллик биздан йироқ бўлади.



БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Гўштни тўғралган пиёз билан аралаштириб, сопол идишга солиб қўйсангиз, 2-3 кунгача бузилмайди. Гўштни туз селиб қовурсангиз, сели яхши чиқади.

Гўшт бир оз ҳидланган ёки унинг сиртига чанг қўнган бўлса, оч пушти рангли марганцовка суви билан ювиб, сўнг совуқ сувда чайқасангиз, тозаланади.

Янги гўшт пушти ёки тўқ қизил рангли, хушбўй ҳидли, тўқималари эластик (гўшгга бармоқни бостириб, қўйиб юборилса, ҳосил бўлган чуқурча дарров йўқолади) бўлади. Эскирган гўштининг тўқималари эластиклиги бўлмайди.

Таомлар тайёрлашда картошка тез пишшин десангиз, таомга бир қошиқ маргарин қўшиб юборинг.

Лимон пўстлогини қуйқум боғлаган идишда 10 дақиқа қайнатсангиз бас, идиш қуйқумдан тозаланади.

SPORT

FUTBOL

ЭНГКУЧЛИЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

28 декабр куни Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ)нинг 2007 йил яқунларига багишланган тадбирида йилнинг энг кучлилари аниқланди, дея хабар беради ЎФФ матбуот хизмати.

Федерация томонидан ташкил этилган сўровномада 150дан ортиқ ОАВ вакиллари иштирок этди. "Йилнинг энг яхши мураббийси" номинацияси бўйича Рауф Инилеев 378 очко тўплаб умумий рўйхатда Ўзбекистондаги барча мураббийларни ортида қолдирган бўлса, Максим Шацких 286 очко билан "Йилнинг энг яхши футболчиси" номинацияси бўйича голиб деб топилди. Терма жамоамиз сардори қаторасига учинчи бор мамлакатимизда тенгсиз футболчи сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан тақдирланган йил лауреатларининг тўлиқ рўйхати қуйидагича:

Йилнинг энг яхши бош мураббийи: Рауф Инилеев, Ўзбекистон терма жамоаси.

Йилнинг энг яхши футболчиси: Максим Шацких, Ўзбекистон терма жамоаси ва "Динамо" (Киев).

Йилнинг энг яхши болалар мураббийи: Роберт Гай, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси.

Йилнинг энг яхши ёш футболчиси: Абдумуталиб Абдуллаев, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси.

Йилнинг энг яхши рефериси: Равшан Эрматов.

Fair Play соврини: «Пахтакор» (Тошкент).

Ўзбекистон чемпионатининг энг яхши тўпурари: Илҳом Мўминжонов («Курувчи»).

Профессионал футбол клуби қошидаги энг яхши болалар ва ўсмирлар футбол мактаби: «Пахтакор» футбол академияси.

Йилнинг энг яхши спорт журналисти: Зафар Имомхўжаев («Спорт» телерадиоканали), Тимур Низаев («Правда Востока» газетаси).

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олтин медали соҳиби: «Пахтакор» (Тошкент).

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати кумуш медали соҳиби: «Курувчи» (Тошкент).

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати бронза медали соҳиби: «Машъал» (Муборак).

НИКОЛАЕВ, РАИМҚУЛОВ ВА ОТАҚУЛОВ "ҚУРУВЧИ" САФИДА

Жорий йилда Осие Чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган Тошкентнинг "Курувчи" жамоаси ўз таркибининг маҳоратли футболчилар билан кучайтирмоқда.



KURUVCHI PROFESSIONAL FOOTBALL CLUB

Шу вақтгача "Курувчи" таркибига тажрибали ҳимоячилар – Козогистоннинг "Актобе" клуби сафида ўйнаган ҳужумкор чап қанот ҳимоячиси Алексей Николаев, яқунланган мавсумда "Андижон" жамоаси шарафини ҳимоя қилган ҳимоячи Шавкат Раимқулов ҳамда "Тўпаланг" клубида тўп сурган Жамол Отақуловлар жалб қилинди.

«ПАХТАКОР» ҲАМ ЎЗ САФИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

«Пахтакор» клуби ҳам таркибга янги футболчиларни жалб қилмоқда. Шу вақтгача тўрт нафар футболчи мамлакат чемпиони сафига кўшилди.



Булар – ҳимоячи Шавкат Муллажонов («Кизилқум»), ярим ҳимоячи Нодир Кўзибоев («Нефтчи»), Рустам Аъзамов («Насаф») ва Ҳайдар Пирназаров («Металлург»)лардир.

Айни пайтда «Пахтакор» клуби футболчиларни ва мураббийлари Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишмоқда. БААдаги йиғинга қуйидаги футболчилар жалб этилган:

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темур Жўраев, Элдор Тожибоев; Ҳимоячилар: Асрор Алиқулов, Илҳом Сууюнов, Ислом Иномов, Камолитдин Тожиёв, Раҳматулло Бердимуродов, Александр Клецков, Анзур Исмоилов, Шавкат Муллажонов;

Ярим ҳимоячилар: Сервер Жепаров, Ренат Байрамов, Элдор Магдеев, Леонид Кошелев, Садриддин Абдуллаев, Одил Аҳмедов, Рустам Аъзамов, Нодир Кўзибоев, Мирзакамол Камолов, Станислав Андреев;

Ҳужумчилар: Уче Ихеруоме; Анвар Солиев, Шаҳбоз Эркинов, Зайниддин Тожиёв, Фарход Тожиёв, Алишер Азизов.

«Пахтакор» клуби сафарда қуйидаги клублар билан назорат учрашувини ўтказишни режалаштирган: «Ал-Шааб»(БАА), «Ал-Ваҳда» (БАА), «Ал-Карам» (Сурия).

БААдаги ўқув-йиғин машғулоти 14 январгача давом этади.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти ва Ахборот-ресурс маркази ходимлари етакчи кутубхоначи **Алимира УРМАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

BOXS



МЭТТ СКЕЛТОН: ЧАГАЕВГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

Шу йилнинг 19 январ куни WBA чемпиони, ҳамюртимиз Руслан Чагаев британиялик Мэтт Скелтонга қарши рингга кўтарилади.

Русланиннинг рақиби бу жангда чемпионга жиддий қаршилик кўрсатишини маълум қилган. "Мен бу жангда бор кучимни ишга соламан ва чемпионлик камарини яна Англияга қайтараман", деган Мэтт Скелтон. Эслатиб ўтамиз, 40 ёшли ушбу боксчи 22 бор рингга кўтарилиб, 21 ғалаба (18 нокаут)га эришган ва бир бор мағлубиятга учраган.

САМАРҚАНДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Ўтган ҳафтада "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали шахмат, шашка, стол теннис турлари бўйича мусобақа ўтказилди. Унда алоқа бўлимлари ва шахар цехида меҳнат қилувчи ишчи-ходимлардан 59 киши қатнашди.

Мусобақада шахмат бўйича шахар цехи сугурта бўлими масъул навбатчиси Мансур Сувонов, шашка бўйича 14-алоқа бўлими хабарчиси Эргаш Уринов, стол теннис бўйича шахар цехи йуриқчиси Олим Ҳамроевлар фахрли биринчи ўринларни олишиб, корхона касаба уюшмаси кўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланшиди.

Зубайдулло ИБРОҲИМОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали масъул ходими

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Бахтиёр КУБЕЕВ Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ Миродил САНГИЛОВ Шуҳрат СОДИҚОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб) Асаджон ХЎЖАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган кўлезма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғини мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матнларининг тўғриликта тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

54-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 14528 нуска.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Матн тереви: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8

«ЭФФЕКТ-МОЛИЯ»

ўқув маркази

ҚИСҚА МУДДАТДА
МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС



30 ХИЛДАН ОРТИҚ
КАСБ-ХУНАР

МАНЗИЛИМИЗ:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, А.ТЕМУР КЎЧАСИ, 84-УЙ.

ТЕЛ: 234-70-69, ФАКС: 235-10-36.

**СИЗНИНГ ИШОНЧИНГИЗ —
БИЗНИНГ МАСЪУЛИЯТИМИЗ!**

2008

YANVAR

D	S	CH	P	J	SH	Y
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			

FEVRIAL

D	S	CH	P	J	SH	Y
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29		

MART

D	S	CH	P	J	SH	Y
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

APREL

D	S	CH	P	J	SH	Y
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

MAY

D	S	CH	P	J	SH	Y
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

IYUN

D	S	CH	P	J	SH	Y
					1	
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

IYUL

D	S	CH	P	J	SH	Y
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

AVGUST

D	S	CH	P	J	SH	Y
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

SENTABR

D	S	CH	P	J	SH	Y
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					

OKTABR

D	S	CH	P	J	SH	Y
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

NOYABR

D	S	CH	P	J	SH	Y
				1	2	
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30

DEKABR

D	S	CH	P	J	SH	Y
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		